Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 100 (13.056).
30 АПРЕЛЬ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

САМАРҚАНД, 29 апрель. (ЎзТАГ). Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан бизнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб юрган Афғонистон Бош министри доктор Муҳаммад Юсуф бугун эрталаб махсус поездда Самарқандга келди.

Баланд даражали меҳмоннинг ва Афғонистондан келган бошқа давлат арбобларининг Ўзбекистон бўйлаб қилаётган сафарида уларга республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, шунингдек СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Б. Ф. Подцероб, СССРнинг Афғонистондаги элчиси С. Ф. Антонов, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлим мудирларининг ўринбосарлари М. М. Волков, В. В. Карягин ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи ва унинг ҳамроҳлари ўзбек халқи қадимий маданияти бойлигини ўзида акс эттирган Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Сўнгра, улар шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти, янги қурилишлари билан танишдилар.

Дўст давлат вакиллари Бутуниттифоқ қоракўлчилик институтини бориб кўришди.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи ва унинг ҳамроҳлари Самарқанддан Мирзачўлга жўнаб кетишди.

* * *

ГУЛИСТОН, 29 апрель. (ЎзТАГ). Дўст Афғонистон Бош министри доктор Муҳаммад Юсуф бугун Ўзбекистондаги қўриқ ерликларнинг яратувчилик меҳнати билан танишди. Ҳурматли меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Мирзачўлни айланишни Жиззахдаги бинокорлик буюмлари комбинатини кўриш билан бошлашди.

Қўриқ ердаги қурилиш раҳбарлари технология линияларини кўрсатиб, Жиззах комбинати «Голодностепстрой» деган катта ишлаб чиқариш комплексининг корхоналаридан фақат биттаси эканлигини меҳмонларга тушунтириб беришди.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи билан унинг ҳамроҳлари қўриқ ерлардаги бир неча совхозни бориб кўришди. Улар Мирзачўл ирригаторлари билан суҳбатлашиб олишди.

Мирзачўлни ҳозир чўл деб бўлмайди. Энди у боғу бўстонга айланиб кетган ўлкадир, деди қўриқ ерликлар билан хайрлаша туриб доктор Муҳаммад Юсуф.

Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи Мирзачўлни ўзлаштирувчиларга ишда янги муваффақиятлар тилади.

Афғонистон Бош министри Муҳаммад Юсуф ва унинг ҳамроҳлари қўриқ ерлардаги совхозларни кўргандан кейин, Тошкентга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати Афғонистон Бош министри доктор Муҳаммад Юсуф шарафига 29 апрель кечқурун қабул маросими ўтказди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИ

Ҳа, бугун улуғ айём. Бугун арафа, чин арафа. Минг бир жилва билан байрам либосини кияётган шаҳар ва қишлоқларимиз, табиат қирмизи лола гиламини ёйган дала-қирларимиз ҳуснига боқинг, турфа гуллар қулф уриб бўй олаётган чаманзорлар ва оромбахш боғлардаги япроқларнинг майин шабадага юз тутиб шивирлашига қулоқ солинг, ҳаёт қайнаётган кўчаларимиздаги умумхалқ шодиёнасига разм солинг.

Булар — бахт-саодат мангу кулиб боққан ўлканинг битмас-туганмас шодиёнаси, қишларида ҳам баҳор аримайдиган мамлакатимиз халқларининг қалб акс садосидир. Булар байрам тонготарининг, улуғ айём — бутун жаҳон меҳнаткашлари халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май тантаналарининг илк тароналари — тантанавор дебочасидир.

Ана шундай улуғвор кунларда халқимизнинг босиб ўтган шонли йўлига назар ташлаб, шу билан бирга эртанги кун режаларини белгилаб олишдек олижаноб анъанаси бор. Келинг, шу улуғ айём арафасида булоқдек қайноқ ижодий меҳнатимиз самараларига назар ташлайлик: яқиндагина республикамиз саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини 103 процент бажарганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 процент ортганлиги ҳақидаги хушхабарни ўқиган эдик. Кеча республикамиз саноатчилари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, тўрт ойлик планни муваффақият билан бажарганликлари тўғрисида она-Ватанга рапорт бердилар.

Республикамиз колхоз ва совхозлари далаларида 3 миллион 650 минг тонна улкан ўзбек пахтаси учун марди-майдон бўлиб беллашаётган азамат пахтакорларимизнинг байрам олди муваффақиятлари қалбларни қувонтирмоқда. Тошкент, Сирдарё, Андижон, Бухоро область пахтакорлари чигит экиб бўлдилар. Фарғона марраға яқинлашмоқда. Қорақалпоғистон ва Хоразм пахтакорлари экиш суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар. Пахтакорларимизнинг бутун эътибори ерга ташланган чигитни бир текис ундириб олиб, яшил квадратлар ҳосил бўлишига қаратилгандир. Меҳнат фронтида жавлон ураётган бундай азаматлар республикамизда озмунчами?

Республика паррандачилари тўрт ойлик планни бажардилар. Бекобод металлурглари тўрт ойлик планга қўшимча бир неча юз тонна металл ишлаб чиқардилар. Тошкент газчилари республика саноат корхоналарига пландан ташқари камида 50 миллион кубометр газ етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Қувалик паррандабоқарлар билан кооператорлар байрам арафасида тухум тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Самарқанддаги В. И. Ленин номли «Красний двигатель» заводининг бўсағасидан тўрт ойлик топшириқдан ташқари ишлаб чиқарилган трактор ва автомобиль деталлари ортилган вагонлар жўнатилди. Фарғонада қурт уруғи заводининг биринчи навбати ишга туширилди.

Булар—байрам олди ғалаба рапортлари, булар — элимизнинг фахрланса арзигудек туҳфаларидир. Меҳнат шон ва шараф, инсон ҳаётининг зарурий эҳтиёжига айланаётган ўлкадагина ана шундай зафарларга эришиш мумкин. Социалистик тузум зўр тантана билан ўз куч-қудратини оламга кўз-кўз қилаётган, коммунизм қураётган ўлкадагина шундай бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам жаҳон социалистик системаси йил сайин янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда, капитал ҳукмронлик қилаётган мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткашларга порлоқ машъалдай нур таратмоқда. Бу эса капитал бандаларини, инсоният ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилаётган бир ховуч империалистларни талвасага солиб қўймоқда. Улар денгизда ғарқ бўлаётган ўлимтиклардек хас-чўпларга илиниб қолишга уриниб, кичик халқларга очиқдан-очиқ тажовуз қилмоқдалар. Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларини бутун прогрессив инсоният қаттиқ қораламоқда ва беҳуда қон тўкишни дарҳол тўхтатишни талаб этмоқда. Ер юзининг юз миллионлаб кишилари АҚШ империализмининг Жануби—Шарқий Осиёдаги қароқчилик ҳаракатларига норозилик билдирмоқда.

Жаҳон халқлари Вьетнам халқига хайрихоҳ бўлишни ўзларининг интернационал бурчлари деб билмоқдалар. Планетамизда «Вьетнамга — тинчлик!» деган забардаст овоз баралла янграётган экан, бу — Жануби—Шарқий Осиёда империализм қақшатқич зарбага учраши муқаррар эканлигининг аён нишонасидир. Миллион-миллион кишилар қатнашаётган намойиш ва митингларда худди шу фикр якдиллик билан баён этилмоқда. Япон денгизчилари Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатлар учун ишлатилиши керак бўлган Америка юкларини ташишдан бош тортдилар. Бу — эндиликда ер юзидаги прогрессив инсониятнинг халқаро ҳамкорлик ва бирдамлиги тобора мустаҳкамланиб, юксалиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Инсоний ҳуқуқларнинг поймол этилишига қарши кураш тобора зўр қудрат билан тўлқинланиб бормоқда. Италия темир йўлчиларининг яқинда бўлиб ўтган забастовкасида 210 минг киши қатнашди. Грециядаги 100 минг бинокор йигирма тўрт соатлик иш ташлади. Бутун Уруғвай аҳолисининг бешдан тўрт қисми — 500 минг киши монополия зулмига қарши норозилик билдириб, ишни тўхтатдилар. Франция, Германия Федератив Республикаси, Бельгиянинг юз минглаб прогрессив кишилари ҳам жаҳон империализмини лаънатламоқдалар. Булар — ўлимга маҳкум этилган эски дунёнинг янги дунё ва унинг енгилмас кучлари олдидаги талвасаси, сўнгги умидсиз уринишидир, холос. Шунинг учун ҳам кўршапалак офтобдан қўрққандай империализм эрк талаб қилаётган миллионларнинг овозидан саросимага тушиб, ўзларини жаҳолат ва зулматга урмоқдалар. Аммо улар қанчалик чиранмасинлар, тарих ғилдирагини ортга буриб бўлмайди, миллион-миллион меҳнат аҳлини порлоқ келажак, эркин жамият — социалистик тузум қуриш йўлидаги курашини тўхтатишга ожизлик қиладилар, зотан ҳамиша барҳаёт марксизм-ленинизм ғоялари миллионларнинг кураш байроғи, бахт-истиқболидир. Совет кишилари, жаҳон социалистик системасидаги мамлакатларнинг халқлари, ер юзидаги бутун прогрессив инсоният эрк ва мустақиллик учун курашаётганларни қўллаб-қувватлайдилар, уларга хайрихоҳдирлар.

Эртага байрам колонналари саф тортар экан, совет халқи ўз мустақиллиги ва озодлиги йўлида курашаётган эл ва элатларга қизғин салом йўллайди, улар билан бирга эканлигини яна бир карра намойиш этиб кўрсатади. Бу — тинчликсевар жонажон партиямиз ленинча ташқи сиёсатининг бош йўли, халқ дилидаги мақсадни айнан ифода этганининг ёрқин ифодасидир.

Тинчлик учун, ер юзидаги барча халқларнинг осойишталиги учун олиб борилаётган курашга биз ўз меҳнатимиз самаралари билан ҳисса қўшмоқдамиз. Меҳнатимиз қанча серунум бўлса, Ватан қудратига қудрат қўшилади, Советлар элининг халқаро обрў ва эътибори тобора ошаверади.

Бугун қилинган ишларимиз қанчалик улкан ва салмоқдор бўлмасин, эртаги кунимиз бугунгидан мазмунлироқ бўлмоғи лозим. Олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. Экономикамизнинг янада барқ уриб гуллаб-яшнаши учун меҳнат фронтида гвардиячи жангчи бўлиб жавлон урайлик, коммунизм қурилишида зафар ҳамиша бизларга ёр бўлсин.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС Программасини бажаришга сафарбар этингиз! Коммунизм ғалабаси сари, олға!

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг бу илҳомбахш чақириғи янги парвозларга даъват, кўз илғамас уфқларга чорловчи йўлчи юлдуздир. Зафарли меҳнатимиз билан коммунизм асрининг бахт тўла тонгини тобора яқинлаштирайлик.

— Яшасин партия билан халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

— Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Наманган районидаги «Ленинград» колхозида маккажўхори қатор ораларини ишлашга киришилди. Суратда: звено бошлиғи Абдуқаҳҳор Нишонов ва колхознинг бош агрономи Абдураззоқ Бозоров ўртоқлар культивация сифатини текшириб кўрмоқдалар.

Е. Корниенко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

РОССИЯ ҲУЖЖАТЛИ КИНО ХОДИМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Ўзбекистон Кинематографчилари союзининг таклифига мувофиқ, РСФСР Министрлар Совети Кинематография Давлат комитети раисининг ўринбосари Г. И. Нифонтов бошчилигидаги Россия Федерацияси ҳужжатли фильмлар студияларининг режиссерлари, сценарийчилари, операторлари делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турди.

Меҳмонлар ўзлари яратган энг яхши фильмлардан 40 тасини Тошкентга олиб келдилар. Улар орасида «Ленининг уч баҳори» (Москва), «Улар 39 киши эди» (Ленинград), «Мен тоғларни севаман» (Оржоникидзе), «Узоқ Шарқ ҳикоялари» (Хабаровск) ва томошабинларнинг юксак баҳосини олган бошқа ҳужжатли фильмлар бор.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида Самарқанд, Гулистон ва Янгиерга бордилар. Улар ана шу областлардаги корхоналарнинг ишчилари ва колхозчилари билан ижодий учрашувлар ўтказдилар.

28 апрелда Тошкент киностудияси биносида Ўзбекистон ва РСФСР ҳужжатли кино ходимларининг дўстона учрашуви бўлиб ўтди. Мезбонлар ва меҳмонлар бир-бирларининг ишлари тўғрисида танқидий мулоҳазалар билдирдилар ва фикрлашиб олдилар.

РСФСР ҳужжатли кино ходимлари делегациясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЧЎЛДА БАҲОР

Киши хаёл қилиб, кўз ўнгига бир нарсани келтиради. Кўпинча ўша ўйланган нарса тўғри бўлиб чиқади. Аммо Қарши чўли ҳақида кишилар кўз ўнгига келтириб юрган манзарани амалдаги бор нарсалар, воқеалар билан сира тенглаштириб бўлмайди.

Умуман Қарши чўли Бухоро областидан бошланиб қадимий шаҳар Шаҳрисабзгача, Жайҳун соҳилларидан Қарноб даштларигача, Денгизқўлдан Туркманистоннинг Фароб воҳаси этакларигача чўзилиб кетган. Асрлар бўйи ястаниб ётган бепоён бу чўлни яқин вақтгача ким ўлчаб кўрибди-ю, ким бир этагидан иккинчи этагига етиб борибди? Қашқадарё воҳасининг бир четидан ўтадиган Қашқадарёси бу ерда бирдан-бир суғориш манбаидир. Тоғ жилғаларидан тўпланган бу дарё гоҳ шошиб кўпириб оқиб, гоҳ қақраб қуриб қолиб, ҳатто одамлар лабидаги ташналикни ҳам қондиришга курби етмай келди. Амударё эса чўлнинг биқинидан оқар, қирғоқларга кўпиклар сачратиб, кучли тўлқинлари билан даҳшат солиб, Орол денгизига ошиқар, чўл эса унга интизор бўлиб, ҳансираб қолаверарди.

Халқ ўз ташналигини қондириш учун қўлдан келганча бор кучи билан интилиб келди. Сел сувларини йиғадиган ҳовузлар қурди, кичик каналлар очди. Лекин булар кифоя қилмас эди. Дашт қўйнида бир миллион гектар суғориладиган ер ётибди. Олтин тупроқ сувга интизор. Одамлар Жайҳун бўйига келиб, унинг оқишига тикилди: «Сени жиловлаш керак!», дейишди улар. Энг охирги чора шу эди.

Халқнинг мана шу қатъий азмини, орзу-истагини жонажон Москва эшитди, доно партия ва ҳукумат эшитди, ҳамиша ҳамкор қондош халқлар эшитди. Мамлакатнинг ҳамма жойидан қурувчилар, мутахассислар ёрдамга отланди. Лойиҳа-сметалар тузилди. 140 метр баландликка сув чиқарадиган насослар ўрнатиладиган жой белгиланди. 152 километр узунликдаги Қарши — Амударё автомобиль йўли қурилиши бошлаб юборилди. Бу улкан ишга тааллуқли қурилишлар қилинмоқда, сизот сувни қочирадиган коллекторлар қазилмоқда. Яқин уч-тўрт йил ичидаёқ чўл бағридан 200 минг гектар ер тортиб олиниб, пахтазорга айлантирилади, боғ-бўстонлар бунёд этилади.

Ўзбек диёрида ҳозир баҳор. Ҳа, баҳор ўз сепини ёяётган, борлиқ яшил либосга ўралаётган, гуллар ғунчалаб лаб очаётган, яйловларда қўйлар маъраб, қўзисини кетидан эргаштириб юрган, йилнинг сахий қучоғини элга меҳр билан очиб кўрсатаётган пайт. Пахтакор, ғаллакор, чорвадор баҳор айёмидаёқ ўз истиқболида яна бир порлоқ ҳаётни кўрди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жуда катта, тўғри ва янада ишончлироқ йўлини белгилаб берди.

Қишлоқ меҳнаткашлари шу кеча-кундузда қандай нафас олаяпти, нима тўғрисида ўйлаб, режа тузяпти? Бу масалани бирор хўжаликда, бирор оилада ёки бирор киши қалбида кўришнинг ўзи партиямиз даҳосини, ҳукуматимиз меҳри-муҳаббатини кўрсатувчи бир ифода бўлади. Қашқадарё области, Қарши районидаги Карл Маркс номли колхоз яйловидамиз. Бу ер Қарши даштининг қоқ ўртаси. Кўк бахмал кийган ясси дала. Бир томонда — Қарши шаҳри томонида узоқ-узоқлардаги қишлоқлар, дарахтлар кўринса, иккинчи томон — чўл этаги шип-шийдон. Бир миллион гектар ер қаёқларга чўзилиб кетганикин?

Сурув-сурув қўйлар ўтлаб юрибди. Нортуялар, бўғоз биялар, говмуш сигирлар энди ўтга очкўзлик билан интилмайди. Ўт сероб, иштаганини чимтиб еб, бамайлихотир кавш қайтаради. Олис-олислардан экскаваторнинг ғуриллаган овози келади.

Қалин ўт устига тўшалган олачага ёнбошлар эканмиз, Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари А. Қўзиев завқ билан гапира бошлади.

— Бу йил чорва йили бўлди. Ўн олти минг бош қўйимизнинг биронтаси ҳам нобуд бўлмай, қишдан шикастсиз чиқди. Ҳар юз бош совлиқдан бир юз ўттиз беш бошдан қўзи олдик, насл учун пландагидан жуда кўп қўзи қолдирдик. Ўтган икки-уч йилнинг ҳиссасини шу йилдаёқ чиқарамиз.

Қўзиевнинг бу гаплари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорига ишора эди.

— Колхоз чорвачилигидан бу йил қанча қўшимча даромад оладиз? — деб сўрадик.

— Гўштнинг харид нархи ошиши ҳисобига 200 минг сўм. Эгиз қўзи олишдан келадиган фойдалар, сут, жун сотишдан келадиган қўшимча даромад бу ҳисобга кирмайди. Ҳа, айтгандай, 6 минг гектар ғалламиз ҳам бор. Минг гектар майдонда пахта етиштирамиз. Колхозчининг оладиган даромади қарийб икки баравар ошади.

Суҳбатга шу колхоз билан қўшни «Партия XX съезди» совхозининг директори Очил Тошев аралашди.

— Амударёдан сув чиқарилгач, — деди у, — бизнинг пахта майдонимиз чўлнинг ичкарисига кириб кетади. Ҳозирча янги ўзлаштирилган 5 минг гектар ерга пахта экяпмиз. Эски Анҳор каналидан оладиган сувимиз бунга зўрға етяпти. Шундай бўлса ҳам ўтган йили 13 минг тонна пахта етиштирдик. Давлатга 710 минг сўм фойда бердик. Бултур шу фойданинг 40 проценти совхоз ихтиёрида қолган эди. Бу йил қанча фойда кўрсак, ҳаммаси ўзимизда қолади. Совхозимизнинг келгуси тараққиётини шундан ўлчаб олаверинг.

Тошевнинг сўзи ҳам март Пленуми қарори қишлоқ хўжалигини бундан кейин нақадар жадал тараққий эттиришда катта аҳамият касб этганлигига қаратилган эди.

— Бу ерларга сув чиқарилиб чўл экинзор бўлса, чорва қаерда боқилади?

— Бунинг ҳам режасини тузиб қўйганмиз, — дейишди бирдан Қўзиев ҳам, Тошев ҳам, — чорва молларни Деҳқонобод, Кўкабулоқ, Ғузор курама тоғлари этакларига кўчирамиз.

— Чўлда экскаватор нима қиляпти?

Тошев қисқагина жавоб қилди:

— Халқимизда «от олмасдан илгари яхши ният билан қозиқ қоқ», деган мақол бор. Амуга насос ўрнатишдан илгари коллекторлар қазиляпти. Насос ишга тушиши билан ерлар суғорилиб кетилаверади.

Қарши чўлини ўзлаштириш бош планида Жанубий, Марказий ва Шимолий коллекторларни қуриш ирригация жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигини билар эдик. Экскаваторнинг овози келаётган томон узунлиги 130 километрга чўзилган Жанубий коллектор бўлиб, бу ерда чўлқуварларнинг катта бир армияси мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан юборилаётган қудратли машиналарни ишга солиб юборишган экан.

Хаёлимиздан жуда кўп нарсалар ўтди шу топда. Бир вақтлар бу ерларни Темур лашкарлари, Чингизхоннинг очкўз қўшинлари топтаб ўтган эди. Бу ерда Абу Али Ибн Сино дарбадар кезган эди. Инсон азми шу чоққача чўлни забт этишдан ожиз эди. Эндиликда чўл ва чўллар чекинмоқда. Кўп эмас, яна уч-тўрт йил ўтар, мана шу ерларда «оқ олтин» дурдоналари етиштирилади. Боғлар барпо бўлади, зилол сув ариқлардан шарқираб оқади. Ҳа, шундай бўлади.

Баҳор ўз кўркини кўз-кўз қилаётган шу пайтларда олтин водийга бир боринг-а, табиатнинг инъоми, келгуси фаровонлик, ободончиликнинг дебочаси намоён бўлиб турибди.

Қарши чўлларини кезиб юрибмиз. Ҳозирча суғориладиган далаларда чорва моллар ўтламоқда. Мана, Чироқчи районининг Охунбобоев номли совхозидаги Жавли Рўзиев отари. Жавли бир неча йил мобайнида ҳар юз бош совлиқдан бир юз эллик-бир юз етмиштадан қўзи олиб келади. Яқинда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Рўзиев бу йилги қўзилатиш кампаниясига якун ясаган пайт экан. 550 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан бир юз саксон иккитадан қўзи олибди. Март Пленуми қарорига мувофиқ унинг муқофот учун оладиган қўзиси ва ойлиги бўлиб, бир йиллик даромади тўққиз минг сўмга борар экан.

Рўзиев булар ҳақида гапираверишни кўпам севмас эди. Чунки меҳнатига оладиган ҳақни у аввалдан билади ва ишончи комил. Жавли ўрта маълумотли. У тезроқ олий маълумотли бўлиш, институтни сиртдан тамомлаш ҳақида қайғуради.

Қарши чўлидан қайта туриб қадимий Самарқанд шаҳрида тўхташга тўғри келди. Регистонда одамлар қалин. Ҳар ким ўз иши билан машғул. Бир тўда чет эллик сайёҳлар — хотин-халаж орасида ниманидир қидиргандек, қўлида фотоаппарат ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа аланглайди. Улардан бири қўлида бир нарса кўтарган ёшгина аёлни тўхтатиб суратга олмоқчи бўлди. Чамаси сайёҳга аёлнинг тугунча кўтаргани ғалати туюлган бўлса керак. У эса сайёҳ хотинга ижирғаниб қараб, қўл силтади-да, йўлига кетди. Унинг ҳаракатидан «Бу билан нима демоқчисан», деган нафратомуз маънони англаш қийин эмас эди. Шу топда кўнглимиздан ажиб фикрлар бирин-кетин ўтиб кетди:

— Эй, жаноб хоним, сиз жаноблар, мамлакатимизга келиб, унинг азиз тупроғига қадам босганингизда, баъзиларингиз қулоғингизга чалинган жойнигина кўрасиз, одамларимизнинг ташқи кўринишини, юриш-туришидан камчилик қидирасиз-у, уларнинг қалбидагини билмайсиз. Сиз совет кишилари ҳис-туйғуларини билмоқчи бўлсангиз узоқ-узоқларга боринг; Қарши чўлларини кезинг, Аму жиловини қўлга олаётганлар билан учрашинг, коммунизм маъмурчилигини бунёд этаётган Жавлилар билан суҳбатлашинг. Мамлакатимиз янги баҳорининг ажиб манзараларини ўз кўзингиз билан кўринг. Шунда ўринсиз ҳаракат қилаётганингизни эҳтимол пайқаб оларсиз.

Ҳабиб НУЪМОН,
Маъруф НАЗАРОВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Германия фашизмдан озод қилинган куннинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган байрамда қатнашмоқ учун Германия Социалистик Бирлашган партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан, 6 майда Германия Демократик Республикасига жўнаб кетади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Чехословакия фашист босқинчилардан озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашмоқ учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, 6 майда Чехословакия Социалистик Республикасига жўнаб кетади.

СОВЕТ — АФҒОНИСТОН АХБОРОТИ

Афғонистон подшо ҳукуматининг бошлиғи доктор Муҳаммад Юсуф Совет ҳукуматининг таклифига биноан, 1965 йил 21 апрелдан 30 апрелгача расмий дўстона визит билан СССРда меҳмон бўлиб турди. Планлаштириш министри Абдулла Ифтолий, Афғонистоннинг Москвадаги элчиси Муҳаммад Ориф, Ташқи ишлар министрлиги умумсиёсий департаментининг бош директори Равон Фарҳодий ва Афғонистоннинг бошқа расмий кишилари унга ҳамроҳ бўлдилар.

Бош министр доктор Муҳаммад Юсуф ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқи пойтахти Москванинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, Киев ва Тошкентга бордилар, Мирзачўл районини (Ўзбекистон ССР)да бўлиб, чўл ерларни ўзлаштириш ҳамда сермаҳсул қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этиш соҳасидаги тажриба билан танишдилар.

Доктор Муҳаммад Юсуф ҳамма жойда совет халқи томонидан қизғин кутиб олинди ва унга иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларга хос равишда ғоят самимий илтифот кўрсатилди.

Бош министр Муҳаммад Юсуф Совет Иттифоқининг раҳбар арбоблари Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский ва бошқа раҳбарлар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказди.

Учрашувлар ва музокараларнинг дўстлик ва самимийлик вазиятида, тўла ҳамжиҳатлик билан ўтганлиги ахборотда қайд қилинади. Томонлар ўзаро ишонч ва ўзаро яхши муносабатлардан, шунингдек ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигидан мамнун ва хурсанд бўлганликларини билдирдилар. Томонлар ҳар иккала мамлакат раҳбар арбобларининг ўзаро визитлари фойдали бўлаётганлигини қайд қилиб ўтдилар. Бу визитлар Совет—Афғонистон қўшма хужжатларида баён қилинган ҳамда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатларига мос бўлиб тушаётган принципларнинг тўғри эканлигини яна бир карра тасдиқлади. Ҳар иккала ҳукумат Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар чинакам дўстона, яхши қўшничилик тусига эга эканлигини ғоят мамнуният билан қайд қилиб ўтадилар.

Томонлар иқтисодий ва маданий ҳамкорлик хусусида фикрлашиб олдилар. Ҳиндикуш тизма тоғи бағрида қурилган ва Осиё қитъасининг шимолини жануби билан туташтирган Саланг автомобиль магистралининг очилганлиги, Афғонистондаги Нангархор районининг иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган Жалолобод тўғони ва каналининг қуриб битказилганлиги — ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси, СССР Афғонистоннинг ривожланишига беғараз ёрдам кўрсатаётганлигининг намунаси бўлди.

Ахборотда Панж ва Амударё сувларидан биргаликда комплекс фойдаланиш соҳасидаги лойиҳа-қидириш ишлари ҳақида битим тузилганлигидан, ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари яхши ривожланиб бораётганлигидан мамнунлик баён қилинган.

Совет Иттифоқи Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳамда қўшилмаган мамлакатларнинг эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда тинмай сарфлаётган куч-ғайратларини тамоман қатъият билан қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда, Афғонистон бу курашга доимо ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Томонлар ер куррасининг айрим районларида, айниқса Вьетнамда аҳволнинг жиддий равишда кескинлашиб кетганлигидан безовта бўлаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Аҳволнинг мана шундай кескинлашуви тинчлик учун тобора кўпроқ хавф-хатар туғдирмоқда. Шу муносабат билан СССР ҳукумати ва Афғонистон ҳукумати Вьетнамда ва Шарқи—Жанубий Осиёда вужудга келаётган вазият хусусида ўз нуқтаи назарлари қандай эканлигини баён қилдилар.

СССР билан Афғонистон қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ядро қуролининг бундан буён ҳам ёйилишига йўл қўймасликка ҳамда жаҳоннинг турли районларида ядросиз зоналар вужудга келтиришга катта аҳамият бермоқдалар. Совет ҳукумати Афғонистоннинг бетарафлик ва қўшилмаслик сиёсатига содиқлигини ғоят қадрлайди. Бу сиёсат Афғонистоннинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Доктор Муҳаммад Юсуф шу визити вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни ўзи учун қулай бўлган фурсатда расмий дўстона визит билан Афғонистонга ташриф этишга таклиф қилди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визит вақти қўшимча равишда келишиб олинади. (ТАСС).

Тошкент ГРЭСининг тунги манзараси

Репортаж

Самолёт Тошкентга яқинлашмоқда. Ерга шом қоронғилиги чўкиб боради. Гўё осмондан қат-қат қора тўр ёғилади. Пастда нима бор — билиб бўлмайди. Ҳали-ҳозиргина тоғ ёнбағридаги қишлоқ чироқлари кулга аралашган учқунлардай милтираб турганди. Энди чироқлар олис юлдузлардай унда-бундагина кўзга чалинади. Бирдан пастда юлдузлар чамани юз очиб қолди. Бамисоли тагимизда улкан бир кўл бор-у, кўк юлдузларининг ҳаммаси шу ерга тўкилганга ўхшарди. Бу Юлдузкўлга ҳар томондан катта-кичик сойлар юлдуз оқизиб келаётгандек. Одам бир зум ана шундай ҳиссиётларга берилади. Кейин бу Юлдузкўл Тошкент эканлиги, юлдуз оқизиб келаётган сойлар шаҳарга олиб борувчи кўчалар эканлиги ёдга тушади. Тошкент чироқлари шунчалар кўпми-а? Бу чироқларнинг порлаб ёниши учун қанча энергия керак экан? Қанча ГЭСнинг юраги бетиним уриб туриши лозимикин?..

Бу саволлар бир гапни ёдимга тушириб юборди. Яқинда Тошкент ГРЭСи қурилишида бўлганимда «Средазэнергомонтаж» тресги Тошкент монтаж майдони бош инженери Евгений Семенович Парасков шундай гапни айтганди:

— ГРЭС учала навбати ишга тушгандан кейин Тошкентдек иккита шаҳар аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини бемалол қондира олади.

Тошкент ГРЭСининг учта навбатида 10 та блок қуриб ишга туширилади. Уларнинг умумий қуввати 1 миллион 800 минг киловаттдан ортиқроқ бўлади. Демак, Тошкент чироқлари ҳар бири 150 минг киловатт қувватли олтита блок юрагининг бетиним уриб туришидан чарақлаб ёнаётган экан. Олтита блок миллиондан ортиқ аҳолининг ҳожатини чиқара олар экан. Миллиондан ортиқ одам нурхона қурувчиларга раҳмат айтар экан.

Тошкент ГРЭСида бўлганимда ҳар бир нурчи шуни ҳис қилиб, сидқидилдан ишлаётганини кўрдим. Тошкент чироқлари уларнинг баъзилари билан қилган суҳбатимни яна ёдимга туширди...

Тушки пайт. Қурилишда иш тинган. Нур ишлаб чиқараётган биринчи ҳам иккинчи блокнинг бир меъёрда гувиллаши демаса, бамайлихотир гаплашишга қўймайдиган шовқин-сурон ҳам йўқ. Юз тонналик кўприк кран тагида Иван Сидорович Котолевский билан гаплашиб ўтирибмиз. Ёши ўттиз бешлардан ошмаган, мўмин-қобилгина, лекин бир сўзли бу йигит ўтган йилдан бери «ТашГРЭСстрой» 1-участкасининг бошлиғи. Илгари прораб бўлиб ишлаган. ГРЭСга пойдевор қўйилгандан буён шу ерда. Мана, иккита блок нур беряпти. Учинчиси ҳадемай «нафас олади». Тўртинчи блокнинг йиғма темир-бетон конструкциялари эса монтаж қилиняпти. Иккинчи навбат қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Тупроқ ишлари бажариляпти.

Бу ишларнинг кўп қисмини Котолевский бошлиқ қилаётган участка қурувчи ва монтажчилари бажаряпти. Улар 220 киши. Дурадгор, бетончи, пайвандчи, пардозловчи, монтажчи бўлиб ишлашади. Котолевский эрта-ю кеч улардан хабардор бўлиб туриши керак. Тиғиз келиб қолган масалаларни иш жойининг ўзида ҳал қилиши, иш тўхтаб қолмаслигига эришиши, ишнинг сифатли бажарилаётганини текшириб бориши лозим. У эртадан кечгача тиним билмайди.

Лекин у ҳозир бу ҳақда оғиз ҳам очмайди. Фақат у олдинда турган довонлар ҳақида, довонлардан муддатидан олдин ошиб ўтаётган одамлар ҳақида ҳикоя қилади:

— Майгача 3-блокдаги пардозлаш ишларини туғалласак, 10 майгача 4-турбогенератор тагига бетон пойдевор ётқизиб берсак — марра бизники. Биринчи апрелдан 4-блок қозони пойдеворига бетон ташлай бошлагандик. Куни кеча тамомладик. Ҳозир монтажчилар қозонни монтаж қилишяпти. А. Данилов, С. Глухов, Р. Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ комплекс бригадалар ишидан ҳамма хурсанд. Қандай иш берсанг, муддатидан олдин, айтгандан аъло қилиб бажаришади. Бунақа қурувчилар билан ҳар қандай мураккаб иншоот қурилишида ҳам ишлаш мумкин. Ҳозир улар 4-блокни октябргача қуриб битказишни мўлжаллашяпти. Агар қурилиш материаллари, ускуналар тўхтовсиз келиб турса октябрга ҳам қолмайди.

Участка бошлиғининг фикри билан комплекс бригада бошлиғи Рустам Сулаймоновнинг фикри бир ердан чиқди.

— Учинчи блокда ишимиз охирлаб боряпти. Шундай суръат билан тўртинчи блокни ҳам сентябрнинг охирларига ишга туширсак ажабмас, — деди.

Рустам аканинг ўзи 1946 йилдан бери қурувчилик қилади. Фарҳод ГЭСининг пойдеворини тиклашда унинг ҳам қўли бор. Оҳангарон ГРЭСи қурилишида комплекс бригадага бошчилик қилган. Бу ерда 1961 йилдан буён шу бригадани бошқариб келяпти. Ҳозир нур бераётган икки нурбулоқнинг кўзини очишда уларнинг ҳам улуши бор. Рустам ака бу ердаги ўнта нурбулоқнинг кўзи очилгач, ҳозир қурилиши мўлжалланаётган Бекобод ГРЭСига ўтмоқчи. У ерда ҳам дўстлари билан янги нурбулоқларнинг кўзини очмоқчи. Яхши ният. Ниятингизга етинг, нурчи ака. Зафар ёр бўлсин...

Учинчи блок корпуси ичига кириб қолгудек бўлсангиз, бу ердан қандай чиқиб кетиш ташвиши хаёлингиздан нари кетмай қолади. Пастда ҳам, юқорида ҳам, ҳамма ёқда бир-бирига ўхшамаган ускуналар, катта-кичик қувурлар. ...Бу қувурлар қаердан бошланиб қаерда тугаши мутахассис инженерларга, монтажчиларга маълум бўлмаса, бошқа одам билиши қийин. Оёқ остида пайванд аппаратининг симлари ўралашиб ётади. Юқоридан пастга пайванд учқунлари юлдуздай тўкилади. Дурадгорлар пардозловчиларга тахталардан хавоза тайёрлаб беришади. Улкан қозон ва турбинага қараб уларнинг қандай жой-жойига қўйилганига ақл ҳайрон қолади. ГРЭСда ана шундай улкан учта блок ускуналарини монтаж қилганлар ҳозир тўртинчи блокда монтаж ишларини бошлаб юборишди. Ким билан, қайси бригадир билан гаплашманг, Николай Киселев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг иш суръатига етиб олишга ҳаракат қиляпмиз, дейди. Тошкент монтаж майдонига бу бригада биринчи апрелдан буён анча иш қилиб қўйди. Улар блок қисмларини йиғишни туғаллаш арафасида. Каркас монтажи ҳам охирлаб боряпти. Уларнинг нияти — ўнта блокни ҳам шундай тезкорлик билан йиғиш, ГРЭСни муддатидан илгари ишга тушириш, янги нурбулоқлар бунёд этиш. Бригаданинг 64 аъзоси ана шундай мақсад билан яшаяпти, ишлаяпти. Ана шунинг учун ҳам ишларининг ривожи яхши.

Леонид Свинтицкий бошлиқ бригада шу қурилишда сифатли ишлари, кўча-кўйда, юриш-туришда кўрсатаётган ибрати эвазига коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли номга сазовор бўлган. Улар шу номга яраша ишлашяпти. блок экранларини ниҳоятда сифатли монтаж қилишяпти. Қурилишда қайси ташкилот қаерда нима иш бажаряпти, билиб олиш қийин. Бир жойнинг ўзида бир неча хил иш бажараётганларни ҳам кўрасиз.

Абдуғани Азизовни бу ерда учратаман деб ўйламагандим. Бир йил олдин у Чорвоқ гидроузели қурилишида сантехника ишлари бўйича прораб эди. У ўзига қарашли одамларга иш кўрсатиб бўлгач, сўраб-суриштирсам участка бошлиғи қилиб кўтариб юборишибди. «Ўзбекгидроэнергострой» трести ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси унга тўртта объектдаги сантехника ишларини ишониб топшириб қўйган экан. «ТашГРЭС» шу объектлардан биттаси экан.

— Эртадан-кечгача объектма-объект кезаман. Куннинг қандай ўтганини ҳам билмай қоламан. Қурилишда нима кўп — етишмовчилик кўп. Шуни ҳал қиламан. Қурувчига материал етказиб берсанг, бас. Мана, шу ерда, учинчи блок қурилишида сантехника ишларини график бўйича 25 апрелда туғаллашимиз керак эди, материал бўлиб турди — ўн кун илгари бажариб қўйишди. Тўртинчи блокда ишни бошлаб юбордик. Шунақа экан, қурувчиликнинг ташвиши кўп экан, — деди Абдуғани.

...Ҳар гал тунда Тошкент устидан учиб ўтганимда, юлдуз қайнар нурбулоқлардан бошланиб, юлдуз оқизиб келаётган дарё-кўчаларга, Тошкент чироқларига кўзим тушганда шу кишилар кўз олдимдан бир-бир ўтади. Нурбулоқлар кўзини очаётган бу кишилар ҳақида кимгадир сўзлаб бергим келади.

М. МАНСУРОВ,

«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

Комплекс бригада бошлиғи Рустам Сулаймонов.

Участка бошлиғи Абдуғани Азизов.

Фото ва расмлар Йўлдош Исмоиловники.

Советлар мамлакатида

ҚАРАҒАНДА. «Абай-уголь» трестига қарашли 3-шахтанинг Иван Дурадажи бригадаси Биринчи майга яхши совға тайёрлади. Дурадажи бригадаси 31 иш куни ичида «ПК-3М» комбайни билан конвейер учун кесими 5,5 квадрат метр бўлган йўлнинг 908 метрини кавлади. Бу — Қарағанда кўмир ҳавзасида қўйилган янги рекорддир.

КРИВОЙ РОГ. Ингулец бойитиш комбинатида комплекснинг асосий механизмларини синаш ишлари бошланди. Комбинат — етти йиллик ичида Кривбассда қурилган бешинчи кон-руда корхонасидир. У ҳар йили таркибида темири кам бўлган 18 миллион тонна рудани қайта ишлай олади. Бу корхона темир бўладиган концентрат ишлаб берадиган йигирмата технология секциядан иборат.

ЗАПОРОЖЬЕ. «Запорожсталь»да 4-домна печи реконструкция қилингани-дан сўнг биринчи марта чўян эритди. Бу агрегат эски печь бузилиб, унинг ўрнига қурилди. Агрегат муддатидан 16 кун илгари 54 кунда қурилиб бўлди. Янги қурилган печнинг қуввати ўзидан олдинги печга қараганда 30 процент ошиқдир. У кунига эски печь берган чўяндан юзлаб тонна кўп чўян эритади.

РИГА. Ғарбий ҳавзанинг денгиз меҳнаткашлари балиқ овлаш бўйича тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Йил бошидан бери Латвия, Литва, Эстония, Калининград ва Ленинград областининг флотилиялари 4 миллион 860 минг центнер балиқ ва денгиз ҳайвонларини тутдилар. Кемаларнинг экипажлари 1 майгача яна юз минг центнер маҳсулот топширишга аҳд қилдилар.

ОЛМАОТА. Қарағандадаги синтетик каучук ишлаб чиқарувчи завод коллективи Биринчи май байрами шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажарди. Истеъмолчиларга ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда ўн беш процент кўп химия маҳсулоти топширилди.

Республика химиклари Биринчи майга совға қилиб, шунингдек пландан ташқари кўпгина олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, хром бирикмалари бердилар.

(ТАСС).

ДЕПУТАТЛАР КУНИ

Сирдарё район ижроия комитети яқинида Охунбобоев номли колхоз клубида депутатлар куни ўтказди. Бу ерга тўпланган депутатлар область партия комитети ва ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг раиси Т. Умаровнинг «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари ва маҳаллий Советларнинг вазифалари», район ижроия комитетининг раиси У. Хўжаевнинг «Район Совети депутатининг ҳуқуқ ва бурчи», район ижроия комитетининг секретари Ж. Тилаболдиевнинг «Депутатлар наказини бажариш», Охунбобоев номли колхоз бош зоотехниги М. Саломованинг «Доимий комиссиялар ишини яхшилаш йўллари» темаларидаги докладларини тингладилар.

Депутатлар кунида Советлар ишидаги илғор тажрибалар оммалаштирилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТ — ЮКСАК НОМ

Партия! Бу кўҳна дунё, инсоният тарихи қанча-қанча партияларни билмайди, дейсиз.

Уларнинг қайси бири эл бахтини, юрт фаровонлигини кўзлайди?! «Озод дунё»нинг «демократик» партиялари ҳар қанча чиранганларида ҳам корчалонлар пўлат сандиғи остида эзилаётган миллионлар аҳволини кўра олмайди, кўришни хоҳламайди ҳам. Маркс ва Энгельс таълимотига ҳамиша содиқ, Ленин генийсининг зиёси билан ёритилган нурафшон йўлда собит қадам партиягина **«Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун»** дея олади.

Маркс ва Энгельс таълимотига содиқ, Ленин йўлида собит қадам партия, дедик. Ҳа, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бутун тарихи ана шу буюк таълимот — маркса-ленинча назарияга амал қилишнинг, бу назарияни ҳар қандай хуружлардан ҳимоя этишнинг, ўз сафларининг бирлиги ва софлиги учун курашнинг юксак намунаси бўлди. В. И. Ленин олтмиш йилдан кўпроқ муқаддам РСДРПнинг II съездидаёқ партиянинг жанговарлигини, жипслигини ва софлигини ҳимоя қилиш, коммунист номини ва унинг моҳиятини юксакликка кўтариш вазифасини қўйган эди. Партиянинг биринчи Программасида, Ленин таҳрири билан қабул қилинган унинг Уставида бу юксак принцип ўз ифодасини топди.

КПСС XXII съезди партиянинг учинчи Программасини — коммунизм қуриш программасини қабул қилди ва янги Уставни тасдиқлади. Совет Иттифоқида эксплуататор синфлар тугатилганлиги, совет халқининг маънавий ва сиёсий бирлиги таркиб топганлиги, мустаҳкамланганлиги, социализм тўла, узил-кесил ғалаба қилганлиги туфайли Программа **«Ишчилар синфининг Коммунистик партияси совет халқининг авангардига айланди, бутун халқ партияси бўлиб қолди»,** деб эълон қилди. Хўш, ишчилар синфининг уюшган, онгли авангарди сифатида ташкил топган Коммунистик партия эндиликда бутун халқ партияси бўлиб қолган экан, партиянинг жанговарлиги, сафларининг жипслиги ва софлиги, коммунистларнинг онгли интизомига бўлган талаб камайдими? Мутлақо йўқ! Аксинча, бу талаб янада ортади.

КПСС Уставида бундай дейилади: **«Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми — КПСС ҳаётининг бузилмас қонунидир».** Шунинг учун ғоявий ва ташкилий бирликнинг, онгли интизомнинг энг муҳим омили бўлган партия аъзолигининг ленинча принцип ва нормаларига қатъий амал қилинмоқда.

«Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади». Устав биринчи параграфининг бу формулировкасида партия аъзолигининг ленинча принципи тўла сақланибгина қолмай, балки бўлажак коммунистга янги талаб ҳам қўйилган: Партия сафига кирувчи киши **коммунизм қуришда актив қатнашаётган** бўлиши шарт.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари КПСС Уставини ўрганиш тўгараклари ташкил этиб, партия сафига кирадиган ишлаб чиқариш илғорлари ва ёш коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб, жуда тўғри иш қилмоқдалар. Масалан, Ленинскдаги ёғ-экстракт заводида партия Уставини ўрганиш тўгараги ишлаб турибди. Бухоро ипакчилик фабрикасининг бошланғич партия ташкилоти бюро аъзолари Қодир Зокиров ва Саъдулла Тошпўлатов ўртоқларни КПСС сафига кирадиган кишилар ва ёш коммунистлар билан ишлашга бириктириб қўйган. Наманган районидаги Свердлов номли колхоз партия ташкилоти, ўз сафларини меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатаётган ва ўз ғоявий-сиёсий савиясини ошириш йўлида тинмай ишлаётган кишилар ҳисобига кенгайтирмоқда. Партия ташкилоти яқинда ташаббускор, тадбиркор сут соғувчи Турдихон Холматова ва бузоқбоқар Ҳалима Исмоиловани КПСС аъзолигига қабул қилди.

Янги Уставда партия аъзоси бажариши шарт бўлган вазифалар доираси илгаригидан анча кенгайтирилган. Ана шу янги вазифалардан бири **хусусий мулкчилик психологиясининг қолдиқларига қарши кескин кураш олиб боришдир.** Ҳар бир коммунист бу принципга амал қилиши шарт экан, партиянинг бўлажак аъзоси ҳам ҳалол, соф бўлиши керак. Аммо айрим бошланғич партия ташкилотлари бунга етарли эътибор бермаётганликлари сезилиб қолмоқда.

Ленинск газлаштириш идорасининг партия ташкилоти В. И. Дорошенко деган кишини партия сафига қабул қилди. Кейинчалик эса Дорошенко хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги, ўз ҳамёнини кўзлаб айрим хонадонларга ҳужжатсиз газ туширганлиги аниқланиб, райком бюроси бошланғич ташкилоти қарорини тасдиқламади. Шунга ўхшаш факт Хоразмдаги 89-автобазада ҳам рўй берган. Бошланғич партия ташкилоти давлат интизомига менсимай қарайдиган Худойберди Йўлдошевни КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул этган. Орадан кўп ўтмай, у давлат автомашинасидан шахсий манфаати учун фойдаланаётганда қўлга тушди. Ахир, айрим мансабпараст, манфаатпараст ва лаганбардорларнинг маркса-ленинча партиямиз сафига кириб қолишига ана шундай эътиборсиз қоллар сабаб эмасми?! Афтидан, юқорида номлари айтилган партия ташкилотларининг аъзолари **«Партияни унинг сафларига коммунист деган юксак номга номуносиб кишиларнинг кириб қолишидан эҳтиёт қилиш»** керак деган Устав талабини унутиб қўяётганга ўхшайдилар.

Партия уставида КПСС сафлари сифатини янада яхшилаш, партиянинг жанговарлигини янада ошириш, коммунист номини ва унинг аҳамиятини янада юксакликка кўтаришга қаратилган партия аъзолиги нормаларига, илгариги Уставдагига қараганда, бир қанча қўшимча тадбирлар белгиланган. Масалан, партияга аъзо бўлиб кирувчилар, илгаригидек, фақат бирга ишлаб танигангина эмас, балки, **ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида** ўзлари билан камида бир йил бирга ишлаб таниган уч КПСС аъзосининг рекомендациясини тақдим этишлари лозим. Бу — КПСС сафига кирувчидан ишлаб чиқариш илғори бўлишнигина эмас, шу билан бирга жамоат ишида ҳам актив қатнашишни талаб этади.

Коммунистнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини оширишга бўлган талаб КПСС Марказий Комитети октябрь, ноябрь ва март пленумларининг қарорлари муносабати билан янада ортди. Бу пленумлар субъективчилик, сафсатабозлик ва ҳайбаракаллачиликка хотима берди. Ленин ишлаб чиққан ва кўп йиллик тажрибада синовдан ўтган партиянинг ташкилий тузилиши принциплари қайта тикланди.

Партия негизи — бошланғич ташкилотларни мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини оширишга, партия ва давлат аппаратининг ҳамма звеноларида интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир коммунистдан партия қарорини турмушга татбиқ этишда оммага бош-қош бўлишини талаб қилади.

Буюк доҳийларимиз Маркс ва Лениннинг ворислари, жаҳон пролетариатига янги ҳаёт қуриш намуналарини биринчи бўлиб кўрсатиб берган КПСС аъзоси деган шарафли номни янада юксакликка кўтарайлик. Партия Программаси ва Устави талаб этганидек, бу шарафли номга заррача бўлса-да доғ туширмаслик учун курашайлик.

Е. ОРТИҚОВ,

Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси, «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ СОЮЗИДА

Яқинда бўлиб ўтган республика публицистлари семинарида публицистика соҳасида газеталар олдида турган масалалар ижодий муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг президиуми семинар якунларини муҳокама қилиб, матбуот ходимларига коммунистик қурилишнинг туб масалаларини ёритишда марказий ва республика газеталарининг тажрибасидан янада яхшироқ фойдаланишни тавсия этди.

• • •

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси президиуми навбатдаги мажлисида матбуот куни ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан амалга ошириладиган тадбирларни кўриб чиқди.

Ана шу шонли саналар шарафига Тошкентда ва область марказларида совет халқининг қаҳрамонлиги ва меҳнатдаги толмаслигини, совет матбуотининг коммунистик қурилишдаги ролини акс эттирувчи фотовиставкалар ва фотовитриналар ташкил этилади.

Президиумда шунингдек республика публицист журналистларининг яқинида ўз ишини тамомлаган республика семинарининг якунлари кўриб чиқилди.

Президиум қишлоқ хўжалик темаларида ёзувчи журналистлар нинг Бутуниттифоқ семинари қатнашчилари номзодларини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

ШОВАРДИЛИК ҚАҲРАМОН

Ўзбекистонда Шоварди деган қишлоқ бор. Бу қишлоқ сўлим Фарғона водийсига кираверишда жойлашганлиги учун уни водийнинг дарвозаси деб атайдилар. Ленин Шоварди қишлоғига хат ва телеграммаларнинг жуда кўп келишининг сабаби бу эмас.

Қишлоққа келадиган юзлаб хат ва телеграммаларнинг кўп қисмини почтальон Аҳмаджон Шукуровга беради. Аҳмаджоннинг номи бутун мамлакатга танилган. Бирга хизмат қилган сафдошлари, Туркистон жангчилари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон пахтакорлари унинг олдига тез-тез келиб турадилар. Улар бу ерга ўтган урушнинг даҳшатли йилларини хотирлаш, маслаҳатлашиш учун келишади. Орёл меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистонда тез-тез меҳмон бўлишади. Улар йигирма йилдан буён Аҳмаджон Шукуров билан борди-келди қилиб турадилар. Бу дўстлик қон билан мустаҳкамлангандир.

...1943 йил. Орёл-Курск дугасида қаттиқ жанглар кетмоқда. Руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа миллатга мансуб жангчилар билан биргаликда ўзбекистонлик пахтакор, пулемётчи Аҳмаджон Шукуров ҳам душманга қарши аёвсиз кураш олиб борарди.

Бир куни душманнинг навбатдаги қарши ҳужумини қайтараётиб, Аҳмаджон ўнга яқин гитлерчини қириб ташлади. Фашистлар қисмларимиз зарбасига бардош беролмай чекинди. Старший лейтенант Водолазкиннинг ротаси душманни таъқиб эта бошлади. Мана, қизишиб кетган командир ҳамманинг олдида бормоқда. Бир неча гитлерчи унга ташланди. Буни кўрган Шукуров офицерга ёрдам кўрсатишга шошилди. Жасур жангчи икки душман солдатини отиб ташлади ва рота командирини ўлимдан сақлаб қолди. Жангдан сўнг окопга генерал келиб, Аҳмаджон Шукуровга «Жасурлик учун» медалини топширди.

Пулемётчи Шукуров тез орада яна ўзини кўрсатди. У пулемётдан ўт очиб, душманнинг оғир бомбардимончи самолётини уриб туширди. Жангчининг кўкрагини Қизил Юлдуз ордени безади.

Орёл остонасида июль ойида бўлган жанглар Шукуровнинг хотирасидан асло чиқмайди. Ўз пулемёт расчётининг жангчилари билан биргаликда душманнинг қарши ҳужумини бир неча кунгача қайтариб турди. Аниқ нишонга олиб, душманнинг танк десантини, ҳужумга ташланган фашистларни қирди. Окоп устидан ўтишга муваффақ бўлган бир танкни Аҳмаджон граната билан яксон қилди.

Жангдан сўнг дивизия командири сержантнинг қўлини қисиб:

— Баракалла, Шукуров! Энди ўзингизни ҳужумда кўрсатамиз, — деди.

Ҳужум жангларида ҳам Аҳмаджон мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Орёл яқинидаги Золотарёвка қишлоғи остонасида душман қаттиқ монелик кўрсата бошлади. Ўқчиларимизнинг бир неча ҳужуми муваффақиятсиз чиқди. Сержант Шукуров батальон командирининг ўринбосари А. Павловнинг олдига келиб, қишлоқни айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилишни таклиф этди.

— Рухсат, бажаринг, — деди офицер.

Сержант Шукуров душманга билдирмай, шериклари билан қишлоқни айланиб ўтди. Кулай жойни танлаб, душман тўпчиларига қарата ўқ очди. Тўсатдан бошланган бу ҳужумдан саросимага тушиб қолган фашистлар замбаракларини ташлаб яширинишди. Жасурлар душман тўпларини ҳам ишдан чиқаришди.

Сержант Шукуров дарҳол ўз жойини ўзгартиб, қишлоққа яқинлашиб келаётган душман колоннасини ўққа тутди. Икки автомашина ёндириб юборилди.

Шу пайт гитлерчилар совет жангчилари турган жойни аниқлаб, ўқ узиша бошлади, лекин Шукуров ва унинг сафдошлари душманни қиришни давом эттирдилар. Шундан сўнг фашист самолёти пулемётчилар устига бомба ташлай бошлади. Коммунист Шукуров бошлиқ ботирлар жангни давом эттиришди. Улар душманнинг катта кучларини ўзларига қаратдилар. Бундан фойдаланган қўшинларимиз яна ҳужумга кўтарилди.

Пулемётчилар Золотарёвка қишлоғига биринчилар қаторида ёриб киришди. Бир уйда фашистлар ўрнашиб олганлигини сержант Шукуров сезиб қолди. У уйга граната иргитиб, орқасидан ўзи сакраб тушди ва ўнга яқин душманни асир олди.

Қишлоқ аҳолиси ўзбек жангчисининг мардлиги ва жасоратини кўрган эди. Сўнгги гитлерчилар қириб ташлангандан сўнг кекса рус аёли Шукуровнинг олдига келиб, унинг пешанасидан ўпди ва:

— Қадрли ўртоқ, сенинг номингни асло унутмаймиз... — деди.

Миннатдор бўлган қишлоқ аҳли ўзбек фарзандининг шонли жасорати шарафига Золотарёвка қишлоғини Шукуров номига қўйди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 27 августдаги Фармони билан Аҳмаджон Шукуровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Урушдан сўнг Шукуров Шоварди қишлоғига қайтиб келди. У яна деҳқончилик қилиб, «оқ олтин» ундира бошлади. Звено бошлиғи, бригадир, колхоз раиси бўлиб ишлади. Аҳмаджон меҳнатда ҳам жасорат кўрсатди. Пахта етиштиришда эришган ютуқлари учун икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Собиқ жангчининг оиласи — хотини ва етти фарзанди ҳам колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқда. Аҳмаджоннинг хотини Ҳосият Шукурованинг кўкрагини ҳам орден ва медаллар безаб турибди. Энг қимматли хом ашё — пилла етиштиришда қилган меҳнатлари эвазига берилган бу.

Коммунист Шукуров жангчилар билан алоқа қилиб туради. Кўпгина қисмлар ва бўлинмаларга хат ёзиб, хат олиб туради. Яқинда у Тошкент гарнизони жангчилари ҳузурида бўлиб, ўтган жанговар йиллар, Шоварди пахтакорларининг шонли меҳнати ҳақида гапириб берди.

...Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров даладан кеч қайтди. Оиласи уни хурсандчилик билан кутиб олди. Азиз меҳмон — собиқ батальон командирининг ўринбосари, запасдаги офицер Андрей Иванович Павлов сафдошини кўргани келган экан. Ветеранлар Орёл остоналарида бўлган жангни анчагача эслаб ўтиришди. Эртасига эса Шоварди қишлоғига Аҳмаджон Шукуров номига келган хатларга биргаликда жавоб ёзишди.

Подполковник Д. ПИСЛЯКОВ.

ЖАНГЧИ-ШИФОКОР

— Роса кучга тўлиб, тоғни урсам талқон қиладиган йигит пайтим эди, — деб гап бошлади ҳамсуҳбатимиз Илёс Фозилов, — Тошкент Давлат медицина институтида врачлик қилардим. Дафъатан босқинчи фашистлар Ватанимиз тупроғига бостириб кирди.

1941 йил 25 июнь куни институтимиз врачлари ва студентларининг бирлашган митинги бўлди. Митингда сўзга чиққан барча кишилар лаънати гитлерчи фашистларга нафрат ўқларини ёғдирдилар ва жанг майдонларига бориш истагини билдирдилар. Булар ичида профессор Л. Веденский, хирурглардан А. Ҳошимов, О. Умаров ва мен бор эдим.

Тинч ҳаёт, иш ортда қолди. Қандай бўлмасин жанг майдонларида Ватан ҳимояси учун қон тўкаётган асил фарзандларимизга медицина ёрдами кўрсатиш кўплар қатори И. Фозиловнинг ҳам жанговар бурчи эди. Бу муқаддас бурчни 314- ўқчи дивизияда полк бош врачи лавозимида ўтай бошлади.

1941 — 1942 йиллар Москва остоналаридаги жангларда яраланган жангчиларга биринчи ёрдам кўрсатиб, уларни поездларда госпиталларга етказиб бериш билан шуғулланди.

— Душманни Москва остоналаридан улоқтириб ташлаш учун ҳал қилувчи жанглардан бирида 700 дан ортиқ ватанпарварларимиз оғир ярадор бўлдилар. Биз уларнинг яраларини боғлаб, вагонларга жойлаб, энди Москвадаги госпиталга йўл олган ҳам эдикки, ёвуз душман паровозини ва темир йўлни ишдан чиқарди. 33 соат ярадорларнинг дод-фарёди ичида душман билан курашишга тўғри келди. Партизанлар ва қишлоқ аҳолисининг ёрдами туфайли йўл ҳам тузатилди, беморлар госпиталга жойлаштирилди, лекин ўша дамлар сира ёдимдан чиқмайди.

1943 — 1945 йиллар давомида Москва ва Москва область ҳарбий госпиталларида ишлаб, минглаб совет врачлари қаторида беморларга қайта ҳаёт бахш этганлигини мамнуният билан тилга олади Илёс Фозилов.

Дарҳақиқат, киши ўлим тўшагида ётганда уни гўзал ҳаётга, ўз она юртига, она қучоғига отлиниши учун оёққа турғазса, ундан зиёд бахт бўлмаса керак, албатта. Уруш тугагач, Илёс Фозилов Тошкентга қайтди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб мардлик намуналарини кўрсатган И. Фозилов бугунги кунда ўғил-қизларимиз соғлигини сақлаш посбони сифатида самарали иш олиб бормоқда.

С. СУЛТОНОВ,

«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Ёзувчи Асқад Мухтор ижодхонасида

Таниқли шоир, моҳир адабиётшунос, публицист Асқад Мухтор адабиётимиз тарихига, давримизнинг актуал мавзуларига бағишланган қатор асарларнинг авторидир.

А. Мухтор шоир сифатида инсонийлик, гўзаллик, ватанпарварликни, совет кишиларининг энг гўзал фазилатларини куйлайди. Унинг шеърий китобларига шоирнинг улкан, булоқдай мусаффо, хаёллардай теран қалби, туйғулари сингдирилган.

Асқад Мухтор ишчилар ҳаётига оид жуда кўп асарлар яратди. Уларнинг ўйи, орзу-истаклари билан яшади. «Пўлат шаҳри» номли очерклар тўплами босилиб чиққандан сўнг, коммунизм иншоотларини яратишда енг шимариб ишлаётган саноатимизнинг илғор кишилари образини яратишга эришди. «Дарёлар туташган жойда» асари шу тариқа юзага келди.

А. Мухтор давр талабларини, даврнинг ранг-баранг проблемаларини ўзгача бир ўткирлик билан ҳис қилувчи, уни кенг кўламда ёрита олувчи ёзувчидир. Муаллифнинг «Опа-сингиллар» романи ўзбек адабиётининг бой хазинасига қўшилган бебаҳо дурдонадир. Унинг бу асари СССРдаги кўп қардош тилларга таржима қилинган.

Ёзувчининг сўнгги йирик асари — «Давр менинг тақдиримда» китобхонларга келиб етди.

А. Мухтор кўп қиррали ёзувчидир. У хоҳ шеъриятда бўлмасин, хоҳ прозада бўлмасин, доим янги фикрларни ўртага ташлайди. А. Мухтор ижоди гуркираб ўсиб келмоқда. Халқимиз ундан жуда кўп шеърий китоблар, қалбларни мафтун этувчи поэмалар, дилбар қиссалар, коммунизм қурувчисининг олий интилишларини тараннум этувчи романлар кутади.

КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

● Кечаси билан ёзганимни кундузи ўчираман. Бу «Одиссея»даги Пенелопанинг ишига ўхшайди (фақат, акси: Пенелопа кундузи тўқиган ишини кечаси сўкиб ташлар экан).

● «Давр руҳига чап бера олган — бахтиёр», деган экан Альфред де Мюссе. Бизнинг давримизда нақ тескариси!

● Столдаги кумуш қошиқ кумуш эмас, лекин кумушдан кумушроқ кўринар эди.

● Асар ёзиш фикри пайдо бўлгандан кейин «Нанайча кураш» бошланади. (Нанайча ҳазил курашда одам икки букилиб, қўлларига ҳам ботинка кийиб, худди икки кишига ўхшаб, аслида ўзи билан ўзи курашади).

● Билган тилингни машқ қилиб турмасанг бўлмас экан. У худди велосипед: юргизиб турмасанг қулайди.

● Ҳикояни кутилмаган гапдан бошлагим келади. Балки, мана бундай: боланинг онаси ўлиб кетган. У қоқ ярим кечада ўрнидан туриб, онасига дори излагани чиқиб кетади. Она эса йўқ...

● Майимун — қадим яҳудий сўзи. Бир раввиннинг исми. (Бен-Майимун).

● Тошкент Шарқшунослик илмий текшириш институтида 1002 йил сақланган қўлёзма бор.

● Талант соқол эмас, ўзидан ўзи ўсмайди.

● Чўткачи «Жонон, кел, кел»ни куйлагани куйлаган. Ёши бўлса — 70 да.

● Ўқиш — иккинчи нон.

● Пушкин кетишда шотини олиб қўйиб кетган экан-да...

● Ёзувчиман, дейиш жуда ноқулай. «Мен яхши одамман» дегандай эшитилади.

● Сумғаит афсоналари Мирзачўл афсоналарига жуда ўхшаб кетади.

● Бу таржима талаб қилмайди: Бидструпга ўхшаган.

● Қизилқум асрлик ташналигини қондирялти. Театрлар эса ҳамон ташна...

● Бурунги солиқлар: ушур, хирож, закоти-савоим, бож, ҳасана, қўш пули, якира, миробона, тутун пули, кафсан, биринж пули, обкўвоз пули, закоти чакана, закоти фитир...

Фақат нон деб яшамайди инсон

Кўрганмисиз Орол кўрфазларин
Қамиш оппоқ бўлиб гуллаган маҳал?
Оқчарлоқ галаси қўнар қирғоққа
Оқ тўлқинлар билан галма-гал.

Оқчарлоқ денгизга бўлар парвона,
Тун урар сувдаги нурни мўлжаллаб.
Йўқ, фақат чавоққа ёпирилар деманг,
Бу — ўйсиз одамлар ўйлаб топган гап.

Сиз кўринг чиқироқ бу галаларни
Денгизда даҳшатли довул турганда!
Булутдай тўлганиб, безовта, нотинч,
Дам кўкка, дам пастга ўзини урганда!

Денгизни офатдан асрамоқчидай
Гўё чорлайдилар осмон сари;
Юксак софликларга эргаштириб чиқиб,
Уни қутқармоқчи бўлган сингари.

Фақат нон деб яшамайди инсон ҳам Ерда.
Уни довуллардан асраш аҳди бор.
Уни осмон софликлари билан,
Юксакликлар билан этмоқчи пойдор.

ВАҚТ

«Вақт» — ўз-ўзича ҳеч нарса эмас,
«Давр» десак — исмли-жисмли.
Вақт қаритади-чуритади, ҳолос.
Давр — инсон кабн, дардли, ҳусили.

Вақт сўндиради эҳтиросларни,
Ёшликни юлқилаб қочар омонсиз.
Чангдек учар, инсон из солмаса;
Инсон ном бермаса — ўтади номсиз.

Ўтмиш узоқ.
Келажак — яқин.
Кун кунга фарзанддир, кун кунга ворис.
Ҳозиргина ўтган дақиқанг сенга
Умринг сўнггидаги дамлардан олис.

Вақтни ўз ўзига қўйиб берилса,
Шафқатсиз кечади, ҳаялламайди.
Ўзи тиклолмайди ўз қоматини,
Ўзи келажакни тайёрламайди.

Биз уни
Батамом ҳукимизга олиб,
Тарашладик шаклу шамоилини.
Энг муқаддас ном билан атадик,
Граждан деб билдик ҳар бир йилини.

Биз унда яшадик келажак учун,
Бахтни инсқоллаб санадик.
Даврим тирик бўлар авлодлар ёдида,
Яхши фарзанд туққан онадек.

Эзгу фожиаси — нафрат, ғазаб эди,
Доим манглайида турди қорайиб,
Ҳаттоки муҳаббат дамларида ҳам...
Ғаройиб замонлар, ғаройиб!

Қубага берардик егулигимизни,
Жаҳон кўнглимизни хўп билар эди;
Трамвайда эса контролерлар бизга
Уч тийинлик ишончни кўп билар эди...

Иззат-нафсимизга тегмас эди бу.
Бунга ҳайрон бўлма, узоқ набирам.
Патент сўрамаган Прометей, дея
Ҳеч ҳайрон бўлмаган боболаринг ҳам.

Шунчаки қаритиб ўтиб кетмади,
Йўқ, давримиз улуғ,
меҳру қаҳрли.
Келажакни туғиш тўлғоғи — оғир,
Аммо она бўлиш —
фахрли!

ОТАЛАРГА МАСЛАҲАТ (ҲАЗИЛ)

Икки ўғлим, бир қизим бор, худога шукур,
Келинингиз ишонмайди ёру кўкка.
Ҳаммаси ҳам яхши-ю, биродарлар,
Омон бўлгурларнинг ташвиши кўп-да...

Биров йўлдан уриш бор, дегандай,
Папирос, қизамиқ, масту аласлар.
Нима кўп — бадқилиқ одам кўп.
Ёмон кўздан, ишқилиб, ўзинг асра.

Каттаси, денг, ароқ ичсам,
суқлангандай,
Қуш қараши қилади, жиблажибон.
Папирос чексам нақ чўғига тикилади!
Қараб турсам, қурмағур, бузиладиган!

Киришмасам бўлмади тарбиясига:
Аввало папиросни ташладим.
Ҳумор қилганида тунука қутидан
Манпансье шима бошладим.

Ароқ ичмай қўйдим.
Гонорар чиққанди
Лермонтовнинг таржимасидан,
Уйга олиб келдим.
Келинингиз хурсанд
Болаларнинг тарбиясидан...

Ўртанчасин қўйинг! Айтганин қилмайди,
Қилганин қилади, маймукдай.

Уқисам-ўқийди, ётсам-ётади,
Ойимга қарашай деса-чи бундай!

Буни ҳам олмасам бўлмайди қўлга:
Саҳар туриб ўтин ёраман,
Идиш-товоқ ювиб, кир-чирни чайгач,
Гастрономга нонга бораман...

Келининигиз ўзида йўқ хурсанд
Болаларнинг феълу хулқидан.
Аммо қийин экан бола тарбияси,
Қанча кайфдан қолдим, қанча уйқудан.

Ботинкани ёғлаб, галстук боғлаб,
Соқоллар қирилган, кийимлар башанг,
Музей, театрга қатнайман тез-тез...
Маданий бўлсин-да бу уч зумрашанг!

Туппа-тузук бўлиб қолишди, денг,
Каттасининг йўқ билмагани.
Айниқса кенжаси
ҳали бир ёшару,

Ўзимга ўхшайди: сипо, маданий...

Шундай тажрибани қўлдан кўринг-а,
Бола, ахир, умрнинг нақши.
Ёшлигидан бошланг тарбиясини,
Тугилмасдан бошласангиз
яна ҳам яхши.

16,5 МИНГ ТОННА ПИЛЛА УЧУН

Меҳнатсевар пиллакорларимиз она-Ватанга 16,5 минг тонна пилла етказиб бериш учун қизғин кураш бошладилар. Илғор хўжаликларда ипак қурти иккинчи ёшга кирди. Кўпчилик жойларда қурт уруғи инкубациядан звеноларга тарқатилмоқда.

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Колхозимиз райондагина эмас, ҳатто областда йирик пиллакор хўжалик ҳисобланади. Фан ютуқлари, илғор тажрибалар ҳаётга дадил жорий этилиши, колхозчиларимизнинг самарали меҳнати туфайли ипак қуртининг ҳар қутисидан 65-66 килограммдан пилла олинялти. Етти йилликнинг сўнгги босқичида 70 килограммгача пилла олишга қарор бердик.

Бунинг учун ҳамма имконият бор. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган пиллакор кадрларга эгамиз. Пиллачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Барг етарли. Шу йилнинг ўзидагина 20 гектар ерда тутчилик плантацияси ташкил қилинди.

Ипак қуртини яйратиб боқиш учун катта қуртхоналаримиз бор. Ҳар қути ипак қурти учун ўртача 65-70 квадрат метр ҳажмида сўкчаклар тайёрланди. Сўкчак тайёрлашда ички имкониятлардан фойдаланилди. Ўтган йиллардагидек тахта ёғоч ва бошқа хил қурилиш материаллари харид қилинмади.

Бизнинг шароитимизда тез-тез ёғингарчилик бўлиб туради. Ҳарорат гоҳ кўтарилса, гоҳ пасайиб кетади. Бу ипак қуртининг мижозига тўғри келмайди. У бир хил иссиқлик ва намлик шароитида соғлом ўсади ва тез ривожланади. Шуни ҳисобга олиб, қуртхоналарда печкалар қурилди. Ўтин, кўмир жамғариб қўйилди. Қурт боқишга ажратилган барча бино ва хоналар ремонт қилиниб, дезинфекциядан чиқарилди.

Мутахассислар билан пиллакорлар қуртни жадал усулда боқиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олишди. Биз бу муҳим ишни 25-26 ип кунида муваффақиятли якунлаймиз. Бунинг учун пиллакорларимиз бухоролик машҳур пиллакор, давлат мукофоти лауреати Ҳурмат Тешаевнинг методини кенг қўллашга аҳд қилдилар. Хўжалик бўйича 11 пиллачилик бригадаси, 340 звено ташкил қилинди.

Хўжаликда ўз ишига моҳир, куч-ғайратини шу касбни улуғлашга сарфлаётган ажойиб пиллакорлар етишиб чиқди. Ленин орденли Хоной Холмўминова, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Хадича Тўраева, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган Муҳаррам Файзиева сингари новаторларимиз ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар.

Бу йил пиллачиликка ёшларни кўпроқ жалб этдик. Ўнинчи синфни битирган эллikдан ортиқ қиз-йигит бу шарафли касбни эгаллашга аҳд қилди. Улар донгдор пиллакорларга шогирд қилиб тайинланди. Ипак қурти инкубациядан чиқарилиши олдидан тажрибали пиллакорлар билан ёшларнинг тажриба алмашув кечаси ўтказилди. Тилов Худойбердиев ўзи бошчилик қилаётган бригадада ҳар қути қуртдан 75 килограммдан хирмон кўтариш учун қандай тадбирлар амалга оширилганини сўзлаб берди.

Биз колхозчи-пиллакорларни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бераётирмиз. Бригада ва звеноларга ўртасида кўп, юқори сорт, арзон пилла етиштириш учун социалистик мусобақа ташкил қилинди. Мусобақага мавсум охирида якун ясалиб, голибларга мукофот берилади. Шу мақсад учун маблағ ажратилди. Мавсум давомида пиллакорларга пул ва натура авансlари бериб борилади. Бу йил колхозимиз бўйича ҳар қути ипак қуртидан 70 килограммдан кам ҳосил оладиган бирорта бригада ёки звено бўлмайди. Пиллакорларимизнинг аҳд-паймони ана шундай!

Қурбон ҲАҚБЕРДИЕВ,
Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

СЕРДАРОМАД ТАРМОҚ

— Ҳар қути ипак қуртидан 90-100 килограмм пилла ҳосил оламиз! Фарғона районидаги «Ленинобод» колхози пиллачилик звеноларининг бошлиғи Ҳурматой Ҳаққулова, Ҳосият Қўлдошева, Асқарали Каримовлар колхоз пиллакорларининг йиғилишида, ана шундай юксак мажбурият олган эдилар. Улар ваъдани амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Звеноларда ипак қурти боқишга ҳамма нарса тахт.

Уруғ инкубацияларга қўйилди. Саноқли кунлардан кейин звеноларга тарқатилади. Қуртни ёшлигида боқиш анча мураккаб иш. Қурт инкубациядан чиқарилгач, иссиқлик ва намлик нормал хонада асралса, шароитга тез кўникади, касалланмайди, сериштаҳа бўлади. Буни ҳисобга олиб, ҳар қути қурт уруғи учун уч-тўрт хона ажратилди.

Қурт катта ёшга ўтганда мавжуд сўкчаклар торлик қилиб қолади, янги сўкчаклар қилишга мажбур бўлинади. Бу йил ана шу камчиликка барҳам берилди. Жамоат бинолари ва хонадонларда катта ёшдаги қуртларни парвариш қилишга мўлжалланган сўкчаклар тайёрланди.

Колхоз пиллакорлари 1965 йилда ҳар қути пилла қуртидан 65 килограммдан пилла сотиш учун кураш бошладилар ва бу муҳим ишни кун сайин авж олдирмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

МАШЪАЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

Навоий районидаги «Коммунизм» колхози пиллачилида уруғчилик хўжалик ҳисобланади. Колхоз аъзолари ўтган йили ҳар қути қурт уруғидан 82,5 килограммдан уруғлик пилла олдилар. 200 минг сўмга яқин даромад қилдилар. Ялпи даромаднинг 60 процентн пиллакорларга тақсимлаб берилди.

Колхозчилар районда биринчи бўлиб пилла қурти парваришини бошлаб юбордилар. Дастлабки кундаёқ 70 қути қурт звеноларга тарқатилди. Юз килограммчилик ҳаракатига қўшилган Очил Бозорова, Адол Сайфиева, Саломат Ҳамроева, Норхол Каримова, Ҳумор Баракаевалар қуртни иссиқ хоналарда меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Машъал хўжаликдан ибрат олган боцқа колхозларда ҳам қурт боқиш бошлаб юборилди.

Ю. СУЛАЙМОНОВ,
Навоий район қурт уруғи заводининг директори.

* * *

Ю. Умаров (Шаҳрисабз), Б. Қўймуродов, С. Ҳамдамов (Андижон), А. Султонов (Сирдарё), А. Бозоров (Сирдарё область, Киров район), С. Исроилов (Қува), Б. Маснонов (Охунбобоев район), Т. Жўраев (Ленин), Ҳ. Бегимов (Сирдарё), Н. Махманазаров (Пастдарғом)лар йўллаган хат-хабарлар ҳам пиллачиликка бағишланган. Н. Пўлатов (Гузор), Ҳ. Абдуазизов (Поп)ларнинг мақолалари боғлар ва тутзорларни кенгайтириш, мева етиштиришни кўпайтириш, пилла қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш масалалари акс эттирилган.

«Чинор» деган катта роман ёзиш ниятим бор. Бу камида беш йилга мўлжалланган иш. Шунинг учун ўзимнинг ҳам у ҳақдаги тасаввурим ҳали анча мавҳум. Узбек халқининг қадимдан маданий, бақувват, кенг савияли, маънавий бой халқ эканини тасаввур этгирда олувчи, илмли, ўзига ишонган, меҳнаткаш фарзандлар берган катта бир оила тарихини ёзгим келади. Бу оила фарзандларининг ўзбекнинг барча йирик ишларида ҳиссаси бор... Қисқаси, Чинор — халқ символи.

Бу саҳифа ижодий лабораторияни кўрсатишга нерак эмас, мен қоралаб ташлаган эскизларимдан бирини бердим. Бунинг бўлғуси китобга киришидан ҳам кирмаслиги эҳтимолга яқинроқ.

Ю К

Тўртинчи қаватнинг деразасидан бутун посёлка фақат томлардан иборат бўлиб кўринади. Қизил, кўк тунука катакларин, чеккароқ маҳаллаларнинг сарғиш черепица томларини ёмғир топ-тоза қилиб ювган. Тонгнинг нариги томонида момақалдироқнинг сўнгги, бўғиқ гулдураси эшитилди.

Зуннунов очиқ дераза ёнидан туриб, ошхонага чиқди-да, газ плитанинг қулоғини буради, канфора шараклаб, қайнаётган рух чойнак тагидаги зангори тилини лип этиб ютди. Пиёлада каймоқ кўтариб кириб келган Шарофат хола ёмғир силқиб турган нимчасини бошидан олиб, юзинқа илди.

— Оби нон билан мана буни еб ол-чи, болам, ҳозир чой дамлаб бераман.

Зуннунов эринибгина келиб стулга ўтирди. У қирқ бешлардан ошган, лекин юзига бевақт кексаликнинг нуқси уриб қолган, тароқсиз сочларига оқ оралаган, ҳорғин, сўлғин киши эди. Шарофат хола чой дамлаб келиб, нон ушатди, ўзи ҳам ўтириб уҳ тортди.

— Зинасидан чиқолмайдиган бўлиб қолдим, болам, нафасим қисади.

Зуннунов унга ачиниб, меҳр билан қараднр, индамади. Онаси кекса, сўнгги йилларда гавдаси бирдан чўкиб, чеҳраси камдан кам очиладиган бўлиб қолган эди. Зуннунов унга тикилганча ўтирарди, лекин унинг назари тобора маъносизлашиб, кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгандай бўлиб қолди, ҳаёли бошқа ёққа кетди шекилли. Онаси яна гап бошлагандагина қаймоққа нон ботирди.

— Қирда дола гилам бўлиб кетибди, дейди. Болалар қучоқ-қучоқ териб келишган экан, лекин ҳаммасининг баргида шундоқ губор.

— Ёмғир ҳам ювмаптими? — ҳафсаласизгина сўради Зуннунов чой ҳўплаб.

— Ёмғир ҳам ювмапти, қурум-да, ис. Бу комбинатларнинг мўрисидан озмунча гард учадими!

Зуннунов индамас, иштаҳасиз нон чайнар эди. Кампир давом этди:

— Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я! Гарди-губор қаёқда дейсан, шабнам кўнса анор доласидай қизариб, мўлтиллаб турарди.

— Айниқса тегирмоннинг пастида... — деди Зуннунов бирдан товуши юмшаб. Ажинлари ёзилиб, юзида болаларча соддалик пайдо бўлди. — Ўша ердаги тераклар ҳам турганмикан?..

— Турғандир шовуллаб, — деди она ҳам маъсум чеҳраси очилиб. — Пигитликда югурган сўқмоқларинг шундоққина кўз ўнгимда турибди. Анзиратлар билан бригада шийпонида ётиб қолганларингда кечаси билан хавотир олиб қалтираб чиқанман. Ойдин кеча эди...

— Хавотир олиб нима килардингиз... — деди секин, ширин хотиралардан бўшашиб кетган Зуннунов. — Чўмилганмиз ойдинда... Шодасойнинг сувидан мусаффо сув йўқдир дунёда.

— Одамларини айтсангчи, болам.

— Анзират тушимга кирса нуқул чоргузарда кўраман... Клубининг олди-чи, ҳов мажлис бўладиган жой...

— Нега билмас эканман чоргузарни.

— Хидирали бува оқшомлари сада тагида шакароб қилиб сув сепганида, қуёш тапти аралаш райҳон ҳиди анқиб кетарди. Хали-хали димоғимда турибди...

Энди Шарофат хола тикилиб қолди ўғлига. Унинг кўзларидаги галати соғинч, маъюс хаёлчанликни кўриб, юраги яна эзилиб кетди. Қўлини қўлига қўйди.

— Қайтиб кетайлик, ўғлим, — деди паст товуш билан ялингандек, — қишлоғимизга қайтайлик...

Зуннунов қўлини тортиб олиб, ўрнидан турib кетди. Унинг ширин хотиралари ҳам, маъюс хаёлчанлиги ҳам бирдан йўқолган эди. Шарофат хола дастурхонни йиғиштирар экан, ер остидан ўғлига қараб қўярди. Энди у билан гаплашиш бефойда эканини билиб:

— Жаҳлинг чиқмасин, болам...— деб қўйди.

Зуннунов ювоғи осилганча коржомасини қўлтиқлаб ишга кетди. Рўмоли елкасига тушиб кетган Шарофат хола ўрнига мукка тушиб, оппоқ бошини икки кафти орасига олди. Момақалдироқ худди том тепасида қаттиқ гумбурлади, дераза бирдан қоронғилашиб, шаррос ёмғир қуя бошлади.

Она-бола ўртасида бундай суҳбат биринчи марта бўлаётгани йўқ. Ган ўзидан ўзи бошланиб кетади-да, дилсиёҳлик билан тугайди. Ўн беш йилдан бери шу.

Бу ерга кўчиб келганларидан сўнг, биринчи йилларией, кинидик қони тўкилган ўз қишлоқларига қайтиб кетиш тўғрисида икковлари ҳам ич-ичларидан ўйлаб қўйишадию, ишга жойлашиб, дўст-ёр орттириб, астойдил муқим бўлгандан кейин билинмай кетар, деб бир-бирларига билдиришмас эди. Бир-икки ой ўтар-ўтмай Зуннунов комбинатдан яхши иш топди. Она-бола қувондилар. Ўша кунлари Зуннунов «ёт жой», «мусофирчилик» деган гапларни кўп ишлатадиган онасидан кулиб ҳазиллашди. Кулса-кулар, онага ҳозир унинг чеҳраси очилгани керак. Неча йилдан бери қувнаб ҳазиллашган эмас. Зора ўтган гаплар унут бўлиб, чеҳраси ёришиб кетса.

Лекин ишга жойлашгандан кейинги биринчи қувончлар кўп ўтмай яна сўнди. Зуннунов яна бояги-боягидай, ич этини еб ўйлагани ўйлаган.

Она бу сафар ҳам ўзига таскин берди: «Бегона жой. Ҳали танишлари, ўртоқлари йўқ. Ошна-оғайни орттирса, алақсиз кетар, унутилар ер юткур азобли ўйлари».

Йил ўтмай Зуннунов бир неча ўртоқ орттирди. Худди Шарофат холанинг ўйлаганидай, юзига ранг кириб, очилди-қўйди ўғли. Ўртоқлари билан гурр этиб кириб келар, гурр этиб чиқиб кетар эди. Футболгами, долагами — онага барибир. Иш қилиб, барака топқур ўртоқларининг шовқин-сурони билан банд бўлса бас. Иш қилиб ўз ўйлари билан ёлғиз қолмасин. Шарофат холанинг ўзи бўлса, ёлғизликми, соғинишми, азобли ўйми — ҳар қанақасини кўтаради. Фақат ўғли...

Лекин ўғли ўртоқлари келганда яна ўзини четга оладиган бўлиб қолди. Хола разм солса, орада энг камгапи шу. Кейинроқ, оиналари чақириб келса, «чиқмайман» деб жавоб берадиган бўлди. Ўшандан бери шериклари ҳам келмай қўйишди. Зуннунов уларга қулфи-дилини очолмади шекилли, эл бўлолмади. У яна ўша-ўша, елкасидаги кўринмас юкидан букчайиб, дардини ҳеч кимга айтолмай, на ишида завқ, на уйқусида ҳаловат, на овқатида таъм сезмай, ойларни, йилларни ёлғиз, ерга қараб юриб ўтказди.

Онаси унинг ҳам, худди ўзидек, қишлоғини, туғилиб ўсган жойларини қаттиқ дардли соғинч билан кумсаганини сезар, билар эди. Шодасойга қайтишса, балки кўнглига рўшнолик тушарди, у ерда уни ҳамма билади, дардини айтишининг ҳожати йўқ, балки кечиришар эди...

Дардини ичида олиб юраверса бир умр қалдини кўтаролмайди. Қайтиш керак.

Бир чеккаси, албатта, ўзининг ҳам ота-бува тупроғини яна бир кўриб, кўзига сургиси келганидан. Шарофат холанинг кўнглига бу фикр қаттиқ ўрнашиб олди.

— Анзират ҳам бола-чақалик бўлиб кетгандир, — деди у ўғлига яна бир кунн кечкурун.

— Бўлмаса-чи, — деди Зуннунов, — шу вақтгача... Шодасой ҳам район марказига айланарканда дейишади. — У ўралиб ётди. Қиш эди. Тўртинчи қаватнинг деразасидан пастдаги томларда телевизор антенналарининг изғиринда ҳуштак чалгани эшитилади. — Хидирали бува тирикмикин, ойи? — деди Зуннунов анчадан кейин. Хола гапнинг яна дилсиёҳликка айланишидан қўрқар эди. Изғиринниинг ҳуштагидан бўлак овоз эшитилмади.

— Назарали ака яна раис бўлиб ишлаётган экан. Жуда қариб қолган дейишади. Ўша ёқдан сочлари оқариб келганмиш...

Яна жавоб бўлмади. Ўғли билан Назарали ҳақида гаплашишга Шарофат холанинг юраги дов бермади. Изғирин тағин ҳам қаттиқроқ ҳуштак чалиб, ҳунук товуш билан чийиллади. Зуннуновнинг юраги увишиб, бутун ҳам ухламади. Азонда ювоғи салқиб турди-да, дам олиш куни бўлишига қарамай, кўчага чиқиб кетди.

У кейинги вақтда ойисига, унинг бетобligига ҳам эътибор қилмай, аллақаёқларда бир нима қидиргандай, ёлғиз тентираб юрар, кеч қайтар эди. Бугун ҳам кун чиққунча айланиб юриб, посёлканинг авлоқ бир еридаги қаровсиз буфетга кирди. Бу ерда буфетчи хотин уни таниб қолган эди, сўрамасиданоқ, икки юз грамм ароқ қуйиб берди. Ишсиз кунлари Зуннунов бу ерга икки-уч марта, бошқа кунлари эса ишдан кейин келарди...

Уйда Шарофат хола касал. Ўзига қарамаса ҳам, ўғлининг ҳуштак чалиб папирос тутатиб келганидан хурсанд.

Аммо қаровсиз қолган Шарофат холанинг аҳволи кундан-кун оғирлашарди. Айниқса ўғлининг ундан яширинча ича бошлаганини пайқагач у сўнгги илинжини ҳам йўқотгандай бўлди.

— Ойи! — деди Зуннунов бир куни маст ҳолда онасининг ёнига ўтириб. — Мен қилган ишларимнинг ҳаммасини айтдим. Сонияга, буфетчи хотинга айтдим...

— У нима деди, болам?

— Ичги деди...

Зуннунов омонат ўтирган жойида гандираклаб, йиқилиб тушай деди. Шарофат хола дармонсиз қўли билан уни уплаб қолиб, аста гапирди:

— Сен, болам, Сонияга эмас, бошқа ҳеч кимга ҳам эмас, фақат ҳамқишлоқларинг олдига. Назарали аканг олдига бориб гуноҳингни ўтинишинг керак. Фақат улар гуноҳингдан ўта олади. Бош эг, ўзингни кўрсат. Бошқаларга ёрилганинг билан, бу лаънати бўйинтуруғинг гардайингда қола беради. Қайтайлик, жон болам, кўзим очигида...

Маст Зуннунов каравотдан сирғаниб тушиб, қоқ полга мукка тушди-да, ўкириб йиғлаб юборди...

Шу кечадан кейин Зуннунов ичкиликни таппай олмаса ҳам, соқоли ўсган, ювоғи салқи, маст ҳолда, онасига қатиқ-сут, дори-дармон олиб келиб бериб юрди. Аммо Шарофат хола энди на овқат ер, на дори ичар эди. Бир куни у ўғлини чақириб олиб, васиятини айтди:

— Розн бўл, бўтам... Шодасойга олиб бориб, ота-буваларимиз ёнига қўй, мен ҳам ризо кетай, жон болам... Тиригимда унамадинг...

Зуннуновнинг кайфи бирдан тарқаб, заиф баданини титроқ тутди, оқариб кетди. Фақат анчадан кейингина ўзига келиб:

— Ойи!.. — деб ўзини каравотга ташлади. Лекин Шарофат холанинг тани совуқ эди.

— Мен ўлдирдим сизни, ойижон, мен, мен, мен... — дер эди Зуннунов салқи юзини чангаллаб.

— Зуннунов йўлда кета-кетгунча ҳамқишлоқларини ўйлади. Биринчи галла Назаралн акани кўз олдига келтирди. Унинг рўпарасида неча йилдик умри зое кетган, сочлари бекорга оқариб, ноҳақ азобларда қариган одам келиб, хира кўзларини тикиб турарди. Бунинг ҳаммасига Зуннунов сабабчи. Унинг бир зумлик қўрқоқлиги қишлоқдаги энг ақлли, энг ҳурматли бир кишининг ёшлигини, орзуларини, умрининг энг чиройли йилларини хазон қилди, ўғирлади. Назаралининг бегуноҳлигини исботловчи ҳужжатлар унда эди, ҳа, фақат унда эди. Фақат у қутқазиши мумкин эди раисни. Бордию қутқазолмаса ҳам, бориши, айтиши, исботлаши керак эди. Ўшанда бир зумлик шармандаларча қўрқоқлигини енголганида, ҳеч бўлмаса ўзи йиллар бўйи бу тавқи-лаънатни ортмоқлаб юришдан қутуларди-ку.

Шодасойликлар Назаралининг қамалишини фақат бухгалтер Зуннуновдан кўрдилар. Улар ҳақ эдилар. Назаралининг қайтишини эшитганида Зуннунов ҳеч ким билан хайрлашмасдан қишлоқни ташлаб чиқиб кетди. Бу иккинчи қўрқоқлик, иккинчи хато эди. Шундан кейинги бутун ҳаёти хатолардан, қўрқоқликдан иборат бўлди.

Мана энди, она жасадининг соясида қишлоғига қайтяпти. Ҳамқишлоқларининг юзига қандай қарайди? Ҳаммадан ҳам Назарали билан учрашувни айтинг!

Чоргузарда уни бир тўда чойхўрлар шовқин-сурон билан кутиб олишди.

— Не, Мадамин-ку!

— Бормисан, оғайни? Қаёқлардан сўраймиз?

— Камқирин ҳам бериб қўйганмишсиз, ука...

— Бандалик.

— Ўзинг омон экансан, шукур.

Одамлар унинг атрофида жаноза ташишида уймалашишар, Зуннунов гарангсиб «эски гап»нинг очилишини кутар, ҳамқишлоқларига бир нима дейишни ҳам билмас эди. Чақконгина, юзлари оғтобда пишган, оқ сочларини калтагина қилиб олдирган Назарали ҳаммадан кўпроқ куйиб-пишди. Зуннунов аввалига уни танимади, фақат кейин, Шарофат холани васият қилган жойига қўйиб келишгач, шомга яқин чойхонага уни қидириб келганидагина кимлигини билди.

— Ҳисоб-китоб эсдан чиққани йўқми, Мадамин?

Зуннунов аввал «ҳисоб-китоб» сўзидан чўчиб тушди. Кейин Назаралига бош қўтариб боқса, бақувват, очиқ юзли жуда таниш одам унга қараб илжайиб турибди. Зуннунов унинг олдида ўзини жуда хор, ҳафи сезди. Қўрқоқ, илгари ўйлаганидай, бировнинг эмас, ўз умрининг энг чиройли йилларини хазон қилган экан. Ҳамқишлоқлари уни кечирибди, лекин энди унинг улар билан тенг яшлашга мажоли йўқ эди...

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

СССР Ташқи ишлар министрлигида матбуот конференцияси

МОСКВА, 28 апрель. (ТАСС). СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Журналистлар союзи Совет Иттифоқининг 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 20 йиллигига бағишлаб, бугун матбуот конференцияси ўтказдилар.

Матбуот конференциясини СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Л. М. Замятин очди. Матбуот конференциясида совет ва чет эл журналистлари иштирок этмоқда.

Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев баёнот берди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари, деди у, гитлерчиларни қатъий мағлубиятга учратдилар. Лекин ғалабага олиб борадиган йўл ғоят қийин эди.

Халқимизнинг тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги туфайли фронтдаги воқеалар гитлерчи генераллар мўлжаллаганидан бутунлай бошқача тарзда ривожланди. Совет Қуролли Кучларининг муваффақиятли ҳужуми, деб таъкидлади маршал, Европа мамлакатларида фашизм устидан ғалаба қозонмоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Гитлерчилар Германиясига ва унинг иттифоқчиларига қарши қуролли курашнинг асосий оғирлиги, деди сўнгра И. С. Конев, совет халқининг зиммасига тушди.

Фашистлар блоки мамлакатларига қарашли қуруқликдаги қўшинларнинг асосий кўпчилик қисми совет—герман фронтининг ўзида тор-мор келтирилди. Уруш ҳаракатлари давомида совет қўшинлари немис-фашист дивизияларидан ҳаммаси бўлиб 507 тасини ва гитлерчилар Германиясига иттифоқчи бўлган давлатларнинг дивизияларидан 100 га яқинини емириб ташладилар ёки асир қилиб олдилар. Шимолий Африка, Италия ва Ғарбий Европадаги уруш ҳаракатлари вақтида эса Англия — Америка қўшинлари душманнинг 176 та дивизиясини тор-мор келтирдилар. Маълумки, бу уруш давомида Германия 13,6 миллион кишини талафот берди. Шулардан 10 миллион кишини СССРга қарши урушда талафот берди.

Иккинчи жаҳон урушининг асосий фронти совет—герман фронти эди. Бу ҳақиқатни ҳар бир холис ният киши эътироф қилмоғи учун юқорида айтиб ўтилган маълумотларнинг ўзи кифоя қилади.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллигини кутиб олаётган эканмиз, деди маршал Конев, биз Ватанимизнинг озодлигини ва мустақиллигини курашиб сақлаб қолган ва бошқа мамлакатларнинг халқларини гитлерчилар асоратидан қутқаришга катта ёрдам берган қаҳрамонларни шарафлаймиз.

Шу билан бирга, фактлар шуни кўрсатиб турибдики, фашистлар Германияси тор-мор келтирилганидан кейин ўтган йигирма йилдан сўнг ҳозирги кунда Европада агрессиянинг хатарли ўчоғи вужудга келаётганлиги яна аён бўлиб қолмоқда. Англия—Америка блокининг бундан йигирма олти йил муқаддам жаҳонни урушга олиб келган сиёсати ҳозирги кунда Ғарбий Германияга нисбатан бирмунча бошқароқ шаклда ўтказилиб келаётганлигини кўриб турибмиз.

Маршал кейинги вақтларда халқаро вазият баъзи империалистик давлатларнинг айби билан анча ёмонлашганлигини қайд қилиб дедики, АҚШ империалистлари Жанубий Вьетнамнинг эрксевар халқига қарши жиркaнч урушни давом эттириб, Вьетнам Демократик Республикасига қарши тўғридан-тўғри агрессия ҳужумларига ўтдилар. Лаосга ва Камбоджага бандитларча ҳужумлар қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи қардош Вьетнам халқининг тақдирига бепарво бўлиб қараб туролмайди. Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётганлиги ва уни агрессорларга қарши курашда қўллаб-қувватлаётганлиги тўғрисидаги хабарлар эълон қилинди.

Совет Иттифоқига қарши янги урушлар қилиш ниятида юрганларга, Европа, Осиё ва Америкадаги социалистик давлатларни қурол кучи билан тугатиш режасини тузаётганларга улуғ ғалабанинг йигирма йиллиги арафасида шуни эслатиб ўтамизки, деди пировардида маршал И. С. Конев, иккинчи жаҳон урушининг асосий сабоғи нимадан иборат бўлганлигини унутманглар, жаноблар. Бу сабоқ шундан иборат бўлдики, империалистик кучларнинг социализмга қарши ҳарбий авантюралари агрессорларни тамомила мағлубиятга муқаррар олиб келади.

Маршал И. С. Конев журналистларнинг саволларига жавоб бериб айтдики, Совет Иттифоқи, совет халқи ўтган урушнинг асосий оғирлигига ўзи бардош берди. Бу уруш вақтида, деди маршал, Совет Иттифоқининг берган талафоти 20 миллион чамаси кишидан иборат бўлди, шу жумладан буларнинг 10 миллиони солдат ва офицерлардан ва 10 миллиони граждан аҳолисидан иборат бўлди.

Маршал мудофаа характерига эга бўлган ва урушдан кейинги чегараларни гарантиялаб турган Варшава шартномасининг ролини катталигини таъкидлаб ўтди. Америка қўшинлари билан Эльбадаги учрашувда қатнашган киши сифатида у, АҚШнинг ҳукмрон доиралари томонидан Жанубий Вьетнам ва қардош Вьетнам Демократик Республикаси халқларига қарши қилинаётган агрессиядан ўзининг ғазабланганлигини изҳор қилди.

И. С. Конев Ғалаба кунининг СССРда қандай байрам қилиниши тўғрисидаги бир қанча саволларга ҳам жавоб берди. (ТАСС).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

Бирлашган Араб Республикаси. Суратда: Порт-Саидда қурилган янги уй-жой бинолари.

АДН-ТАСС фотоси.

ПАРИЖДАГИ УЧРАШУВЛАР

ПАРИЖ, 28 апрель (ТАСС). Франция ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль 28 апрелда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига тушлик зиёфат берди. Зиёфатда СССРнинг Франциядаги элчиси В. А. Зорин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Биринчи Европа бўлимининг мудири А. Г. Ковалев, Франция министрларидан Л. Жокс, Ж. Мазиоль, А. Пейрефит ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Зиёфатда А. А. Громико билан М. Кув де Мюрвиль нутқ сўзлашди.

● ● ●

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● Германия—Совет дўстлиги жамиятининг Берлиндаги марказий уйида совет фотовиставкаси очилди. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бу виставканинг экспонатлари коммунизм қураётган совет кишиларининг турмуши тўғрисида ҳикоя қилади.

● Расмий статистика маълумотларига қараганда, 1964 йилнинг охирига келиб, Жазоир аҳолиси 11 миллион 500 минг кишига етган. Кейинги йилларда шаҳар аҳолиси анча кўпайиб бораётганлиги кўринмоқда.

● Римда трамвайлар, троллейбуслар ва автобусларда юриш ҳақи 6 майдан бошлаб оширилади. Римликлар шаҳар транспортидан фойдаланганликлари учун энди йилига шу вақтгача бўлганига қараганда 8 миллиард лира кўп пул тўлайдиган бўладилар.

● Мозамбик ватанпарварларининг Португалия мустамлакачиларига қарши олиб борган кейинги операциялари натижасида Португалия солдатларидан 36 киши ўлдирилди ва 17 киши жароҳатланди. Муед районида (Мозамбик) Португалиянинг бир ҳарбий самолёти уриб туширилди.

● Чили нефтчиларининг 8 кун давом қилган забастовкаси ғалаба билан тугади. Миллий нефть компаниясининг раҳбарлиги меҳнаткашларнинг иш ҳақини оширишга рози бўлди. Чили соғлиқни сақлаш ходимлари 24 соатлик ялпи забастовка ўтказмоқчи бўлган эдилар, лекин улар ҳам иш ҳақини оширтиришга муваффақ бўлдилар. (ТАСС).

«БАҲОР» ТУНИСГА КЕЛДИ

БИЗЕРТА, 28 апрель. (ТАСС). СССР халқ артисти М. Турғунбоева бадиий раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат халқ рақс ансамбли «Баҳор» Тунисга келди. Кеча кечқурун Бизертадаги катта съездлар саройида ансамбль биринчи марта концерт берди.

Саройнинг 1200 дан кўпроқ ўринли уч ярусли зали одамлар билан лиқ тўлди. Томошабинлар совет артистларининг ҳар бир номерини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар ва қайта-қайта чиқишларини сўрадилар. Ўзбекча «Пахта байрами» рақси ва «Ойдин кечада» деган араб рақси айниқса томошабинларни қойил қолдирди.

Концертда Бизерта губернатори Ҳоди Баққуш, интеллигенциянинг жуда кўп вакиллари, студентлар, мактаб ўқувчилари, ҳарбий хизматчилар, маҳаллий савдо доиралари ва маданият вакиллари, маҳаллий ва совет журналистлари ҳамда фоторепортерлар, шунингдек совет дипломатлари ҳозир бўлдилар.

Концерт тамом бўлгач, Бизерта губернатори Ҳоди Баққуш «жуда мароқли томоша кўрсатганликлари учун» «Баҳор» ансамблининг бутун коллективига самимий ташаккур билдирди. У, совет артистларига катта муваффақиятлар тилаб, «Баҳор»нинг Тунисга қилган гастроли Совет—Тунис маданий алоқаларини ҳамда ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

ФАШИСТ ЙИРТҚИЧЛАРНИНГ ГУНОҲИ КЕЧИРИЛМАЙДИ!

СССР Бош прокурори Р. А. Руденко билан суҳбат

— Германия Федератив Республикасида «Нацист жиноятчилар учун суд жавобгарлигига тортиш муддатларини ҳисоблаш тўғрисидаги қонун» кучга кирди. Шу қонунни чиқариш билан, Бонндаги ҳукумат маъмурлари миллион-миллион кишиларнинг бошига беҳисоб кулфат солган фашист йиртқичларни жавобгарликдан холи қилишга уринмоқдалар, — деди Нюрнберг процессида Совет Иттифоқи номидан бош қораловчи бўлиб қатнашган СССР Бош прокурори Р. А. Руденко ТАСС мухбирига.

Бу қонун нацист жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортиш муддатини расмият учун беш йилга — 1969 йил 31 декабргача узайтиради. Бироқ, деб сўзини давом эттирди ўрток Руденко, ана шу қонун дор тагидан қочиб қолган фашист йиртқичларни уларнинг қилмишига яраша бериладиган жазодан ҳимоя қилиш мақсадида юридик жиҳатдан ишлатилган ғирт найрангбозлик эканлигини тушуниб олмоқ учун унинг мазмуни билан тузукроқ танишиб чиқиш кифоя. Шу сабабдан, Совет ҳукумати ўзининг 1965 йил 26 апрелдаги баёнотида тўла асос билан бу қонунни ҳақиқатда нацист жиноятчиларга амнистия бериш деб баҳолади.

Нюрнбергда ўтказилган Халқаро ҳарбий трибунал нацистларнинг қилган жиноятларини таърифлаб, ҳукмда қуйидагиларни ёзган эди: «Урушларнинг тарихида мисли кўрилмаган кенг миқёсда ҳарбий жиноятлар қилинганлиги ҳақиқатлигича қолади. Бундай жиноятлар Германия босиб олган ҳамма мамлакатларда ва очиқ денгизларда қилинди ҳамда тасаввурга сиғдириш қийин бўлган миқёслардаги шафқатсизлик ва террор билан қўшиб олиб борилди».

Гитлерчилар қилган жиноятларнинг миқёсини ва шу жиноятлар ҳаддан ташқари шафқатсиз усуллар билан амалга оширилганлигини назарда тутиб, бир қанча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нацист жиноятчиларнинг жавобгарлигини белгилаб берди. Уруш жараёнидаёқ иттифоқчи давлатлар ҳарбий жиноятчиларнинг қатъий жазоланишини таъминлашга маҳкам бел боғлаб қўйганликларини неча марталаб айтган эдилар.

Қилган ёвузликлари учун нацист ҳарбий жиноятчиларни жавобгарликка тортишнинг ҳамма риоя этиши мажбурий шарт бўлган принциплари уч иттифоқчи давлатнинг Ялта ва Потсдам битимларида, Германиядаги Контроль Кенгашининг 10-қонунида белгилаб қўйилган эди. Юқорида зикр қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг биронтасида ҳам суд жавобгарлигига тортиш муддати ўтиб кетди, деган принципни нацист жиноятчиларга нисбатан татбиқ этиш мумкинлиги ҳақида бир оғиз сўз айтилмаган. Халқаро ҳуқуқ суд жавобгарлигига тортиш муддати ўтиб кетди деган тартибни умуман билмайди. Бинобарин, мазкур ишда суд жавобгарлигига тортиш муддатлари ўтиб кетди деган принципни татбиқ этиш халқаро ҳуқуқ нормаларидан асло келиб чиқмайди, балки бунинг аксича, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғридан-тўғри зид бўлиб чиқади.»

Германия Федератив Республикаси юстиция органларининг одамгарчиликка тўғри келмайдиган жиноятларни қилишда айбдор бўлган гитлерчи қотилларнинг хатти-ҳаракатларини одатдаги қотиллик деб баҳолаб, шу жиноятлар учун Ғарбий Германияда амалда бўлган 1871 йилги жиноят кодексида кўрсатилган тахлитда жазо беришга уринишлари танқиддан тубан бўлган уринишлардир.

Ахир, гап оддий жиноятлар ҳақида бораётгани йўқ. Кишилик тарихида биринчи марта бутун бошлик давлат жиноятчиликка, террорчиликка ва халқаро миқёсда талончиликка хизмат қилдирилди, бинобарин, шундай нарсанинг ҳеч қачон такрорланмаслиги учун бу ишда айбдор бўлган шахслар жазосини тортиши керак. СС группенфюрери Освальд Поль тузган «Маҳбусларни сақлашни рентабелли қилишнинг ҳисоб-китоби»ни ўқиган кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади. Унда мана шундай дейилади: «Кундалик иш унуми 6 марка. Боқиш харажати — 0,7 марка. Ўртача умр кечириш муддати — 270 кун. Қўшимча даромад (тилла тишлари, қимматли ашёлари — 200 марка. Соф даромад: 1.631 марка, боз устига суяги талқон қилинса, ёки жасади куйдирилса; улуғ Германиянинг далаларига ўғит бўлади».

Жаҳоннинг виждони шуни талаб қилмоқдаки, нацист йиртқичлардан интиқом олиниши керак! Фашистларнинг қамоқ лагерларида қийнаб ўлдирилган ўн икки миллион кишининг хотираси ҳам шуни талаб қилмоқда.

1945 йил февралида уч иттифоқчи давлатнинг Ялта конференциясида бундай дейилган эди: «Бизнинг қатъий мақсадимиз герман милитаризмини ва нацизмини йўқ қилиб ташлаш ҳамда Германия бундан буён бутун дунёнинг тинчлигини бузишга асло қодир бўла олмайди, деган гарантиялар яратишдир... Нацизм билан милитаризм таг-томири билан тугатилгандан кейингина герман халқининг муносиб ҳаёт кечиришига ва унга миллатлар жамиятидан ўрин берилишига умид туғилади».

Германия Демократик Республикасида 1945 йил май ойидан 1964 йил декабрь ойигача 12.807 нацист жиноятчи устидан ҳукм чиқарилган бўлса, Германия Федератив Республикасининг собиқ юстиция министри Бухернинг расмий гапига қараганда ана шу вақт ичида Ғарбий Германияда гитлерчиларнинг жиноятлари тўғрисидаги 12.862 та иш кўрилиб, 5445 та ҳукм чиқарилган. Шунда ҳам фақат 403 киши одамларни ўлдиришда айбдор деб топилган.

Мағлубиятдан сўнг Ғарбий Германиянинг ўзига қочган ғоят хатарли гитлерчиларнинг айни шу мамлакат территориясида бошпана топганлиги гарчи ҳаммага маълум бўлсада, коммунистлар ва бошқа прогрессив арбоблар устидан кўплаб суд процесслари ўтказилаётган Германия Федератив Республикасида ҳарбий жиноятчиларни жазоламаслик ва уларни қонуний жавобгарликдан яшириб қолиш вазияти вужудга келтирилди.

Нюрнбергда ўтказилган тарихий процессга яна мурожаат қилмаслик мумкин эмас. Ана шу процессда, деди ўрток Руденко, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ўртасидаги жанговар ҳамкорлик руҳи намойиш қилинган эди. Бу процесс фашизмни фош этиш ва фашизм юзага келтирган жиноятларнинг олдини олишдан иборат энг асосий вазифани адо этиш учун келишиб иш кўришнинг намунаси бўлди. Маслаклар, ижтимоий тузумнинг ҳар хил бўлишига қарамай, бундан буён янги урушнинг бошланишига йўл қўймаймиз деган олижаноб мақсадларни кўзлаб, шу процессда чинакам ҳамкорлик қилинди.

Халқаро ҳарбий трибуналнинг ҳукми — агрессия ва агрессорлар устидан чиқарилган ҳукм бўлди, янги уруш оловини ёқувчи барча бадкорларга бу билан қаттиқ ва одил жазо берилди ҳамда улар жуда қатъий равишда огоҳлантириб қўйилди. Гитлерчиларнинг ёвузликларини тасдиқловчи далил-исботларни келтириш вақтида бундан 19 йил муқаддам совет қораловчиси Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал олдида айтган қуйидаги сўзларни яна қайтармоқчиман... «Ажалхона»лар ва газ камераларида азоб чекканлар, бадани тилка-пора қилинганлар, жасадлари крематорийларнинг ўчоқларида ёндирилиб, кули кўкка совурилганлар жаҳоннинг виждонига мурожаат қилган эдилар. Ёвузларча ўлдирилган миллион-миллион бегуноҳ одамлар қаерга кўмилган деб сўрасангиз, биз ҳозир шу жойлардан кўпини ҳатто айтиб бера олмаймиз. Аммо биз ўлимга маҳкум этилган кишилар ўч олишга чорлаб ёзиб кетган, чуқур руҳий изтироб билан тўлиб-тошган қисқа-қисқа сўзларни шу чоққача ҳам газ камераларининг захдеворларида, одамлар отиб ташланган жойларда, ажал қалъаларида, турма ва зиндонларнинг ғиштларида яққол кўра оламиз. Ўлим олдидан жаҳоннинг виждонига, адолатга ва интиқомга нидо қилган, фашистлар террорининг қурбони бўлган ана шу кишиларнинг тошга тушиб қолган овозларини тириклар сира унутмасинлар.

Совет ҳукумати нацист жиноятчиларнинг ҳар бири устидан одил судлов ўтказилмагунча уларни фош этиш ва жазолаш учун тегишли чораларни кўраверади, деб Совет ҳукуматининг эълон қилган баёноти яшириниб юрган нацистлар учун фашистлар Германияси тор-мор келтирилган куннинг 20 йиллиги арафасида даҳшатли огоҳлантириш бўлиб жаранглади. СССР ҳукумати герман фашизми ва милитаризмини таг-томири билан тугатиш АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг биргаликда бажарадиган вазифаси эканлигини уларга эслатиб қўйди.

ГУЛЛОЛАСАН

Акмал ПУЛАТ

Севганим, жоним, дилим асли ўзинг гуллоласан,
Мунча лобар, мунча шўх ўйнаб оқар шалоласан.
Ғоҳ қизариб, ғоҳ кулиб қалбимга ўтлар соласан,
Жисми-жоним қақшатиб ёрим на ера борасан.
Қайси гулшан булбулига айтчи сен дил порасан.

Ўргилай сендан гўзал ёр ўзга ёрни ёр дема,
Бир юракда ҳеч вақт икки муҳаббат бор дема,
Бир кўриб ошифта ҳолу кўзлари хумор дема,
Жисми жоним қақшатиб ёрим на ера борасан.
Қайси гулшан булбулига айтчи сен дил порасан.

Ташлама ёлғиз мени кўп хор этиб меҳримни сен,
Ўтга-отма жони-танни зор этиб меҳримни сен,
Эл-юрт олдида дашном ор этиб меҳримни сен,
Жисми жоним қақшатиб ёрим на ера борасан.
Қайси гулшан булбулига айтчи сен дил порасан.

МИРЗАЧЎЛ ҚИЗЛАРИ

Пўлат отда чўл қувган,
Канал қазиб, ер сурган,
Рулни зафарга бурган,
Мирзачўлнинг қизлари.

Ҳаммаси дилбар, танноз,
Асли гўзал, бепардоз,
Қилган иши яхши, соз,
Мирзачўлнинг қизлари.

Номи машҳур пахтакор,
Меҳнатда доим илғор,
Ваъдасига вафодор,
Мирзачўлнинг қизлари.

Бири моҳир механик,
Бири агроном, техник,
Ҳар ишда хушёр-тетик,
Мирзачўлнинг қизлари.

Қумри сингир соғувчи,
Барно шахдам қурувчи,
ер очиш муҳим бурчи,
Мирзачўлнинг қизлари.

Ўзи гулшан, ўзи ой,
Саҳрога берди чирой,
Илм-ҳунарга жуда бой,
Мирзачўлнинг қизлари.

Пўлат отда чўл қувган,
Канал қазиб, ер сурган,
Рулни зафарга бурган,
Мирзачўлнинг қизлари.

Тошкент шаҳрида меҳнаткашлар вакилларининг 1965 йил 1 Май намойиши тўғрисида

1965 йил 1 Май — халқаро байрам кунида Ленин номидаги майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Намойиш эрталаб соат 10 да бошланади.

Меҳнаткашларнинг намойишда иштирок этадиган вакиллари ўз корхоналари, муассасалари бўйича йиғилиш пунктига тўпланадилар ва район колонналарида белгиланган маршрут бўйича уюшган ҳолда Ленин номидаги майдон сари юрадилар.

Ленин номидаги майдонга КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳужжатлари билан, пропускаси бўлган граждандлар шу пропускаларда кўрсатилган пунктлардан, автомашиналар эса махсус пропускалар билан соат 9-у 45 минутгача ўтказилади.

ШАҲАР 1 МАЙ БАЙРАМИ КОМИССИЯСИ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

«Ўзбекистон» нашриётининг коллективи нашриёт 40 йиллиги муносабати билан қутлов ва табрик юборган барча ташкилотлар, муассасалар ва айрим кишиларга газета орқали миннатдорчилик билдиришингизни илтимос қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

30 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Чолғу куйлари, 9.45 — «Туҳфамиз сенга, Ватан» (тож.), 10.10 — Рус куйлари, 11.10 — Концерт, 13.40 — Қўшиқлар (рус.), 16.15 — Концерт, 17.00 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси, 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси» (ўзб. ва рус.), 18.30 — Енгил куйлар, 19.00 — Ўзбекистон байрам арафасида (репортаж), 19.15 — Музикали байрам саломи, 20.00 — Ўзбекистон байрам арафасида (рус.), 20.15 — Эстрада концерти, 20.45 — «Кўрик ер баҳори», 21.20 — Май олди мусобақаси илғорлари учун концерт, 22.10 — Катта байрам концерти, 23.15 — Концертнинг давоми.

Телевидение

30 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Салом, Биринчи май!** (болалар учун), 17.35 — **Телевизион янгиликлар,** 17.50 — **Меҳнат совғалари,** 18.10— **Шоир Уйғун ҳузурида,** 19.10 — **Май кечаси.**

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар,** 21.35 — **Эфирда— «Баҳор» вокал ансамбли,** 22.05 — **Фарғона тонги** (ҳужжатли фильм), 22.15 — **Севадими-йўқми** (кинокомедия).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Хоразм қўшиғи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Сўнгги нусхалар,** 1/V да кундуз ва кечқурун **Сарвқомат дилбарим,** 2/V да кундуз ва кечқурун **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Тошболта ошиқ.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Палата — «МИР», «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Умрбод — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 11, кеч 6-45 минут, 8 ярим ва 10 да).

Ям-яшил уфқлар — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эртагача — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минут ва кеч 6-45 минутда), «СПУТНИК» (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да).

Ватанга совға — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40 минутда).

Ёқут кўзли билагузук — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 9-45 минутда).

Тонгда қатл этилганлар — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ўлимнинг номи Энгельхен — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 1, 3 ва 5 да).

Хаёлимдаги қиз — «СПУТНИК» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да).

10 минг ўғил бола — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда)

Ойдин саҳифа — ПУШКИН номли.

Асосли далил — «ФЕСТИВАЛЬ».

Инсон тирик экан — «ШАРҚ».

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

1 майдан ТОШКЕНТ ЭКРАНЛАРИГА

Ойдин саҳифа

НОМЛИ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ

Сценарий авторлари — Сарвар Азимов, Н. Рожков.

Режиссёр — Ю. Аъзамов.

Ролларда:

М. Оғамирзаев, Г. Тонунц, Г. Луковникова-Мамедова, Р. Пирмуҳамедов, А. Фалькович, В. Рождественский, В. Абдуллаев, Ю. Аъзамов.

«Ўзбекфильм» киностудияси ишлаган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

1 май кундуз соат 2 ва кеч 8 да,
2 май кундуз соат 12 ва кеч 8 да,

БАЙРАМ

концертлари

Концертларда: СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Жамол Низомхўжаев, Клара Юсупова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргаш Йўлдошев, Асад Азимов, Авнер Бараев, Фозил Харратов, солистлардан Олия Шайхилисломова, Севилья Ҳайбуллаева, Раиса Хўжасаидова, Раъно Ҳидоятова, Анвар Рустамов, Ҳайрулла Хўжаевлар қатнашади.

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

байрам репертуари

1 майда

Қишки бинода: кундуз соат 12 да — **Ишқинг билан,** соат 4 да — **Катта концерт,** кеч 8 ярмида — **Ёшликда берган кўнгил.**

Ёзги бинода: кеч соат 8 ярмида — **Тошболта ошиқ.**

2 майда

Қишки бинода: кундуз соат 12 да — **Икки билагузук,** кеч 8 ярмида — **Гули сиёҳ.**

Ёзги бинода: кеч соат 8 ярмида — **Катта концерт.**

3 майда

Ёзги бинода: кеч соат 8 ярмида — **Ўғил уйлантириш.**

Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Пушкин номли паркда (ёзги бино) — 1 май кеч соат 8 ярмида Муқимий номли театр артистларининг **Катта байрам концерти.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

1, 2 май кундуз соат 3 да

КАТТА

байрам концертлари

Концертларда: Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Сора Шукурова, Ойхон Ёқубова, Тўхон Қодирова, Дилбар Фаёзова, Хайриддин Фаёзов, Отабой Эгамбердиев, Зокир Султонов ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивали лауреати Зайтуна Тожибоева ва Ғулом Тожиаълоев олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент Округ офицерлар уйида

ОЧИЛГАН

«СССР ВА БОШҚА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ВАҚТЛИ МАТБУОТИ»

ВИСТАВКАСИ

2 МАЯГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Виставка ҳар куни кундуз соат 12 дан кеч 7 гача очиқ бўлади.

Виставкани ҳамма кириб кўриши мумкин.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4, 5 майда

Ўзбек давлат филармонияси

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР АШУЛА ВА РАҚС ФРОНТ АНСАМБЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган

концертлари

Концертларда: СССР халқ артисти Тамарахоним, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Яйра Абдуллаева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова, солистлардан Раима Ҳакимова, Қимматхон Борухова, Руқия Абдуллаева, Ўғилхон Машарипова, Ася Каспарова, Шарофат Оқилова ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова.

Программада: Улуғ Ватан уруши фронтларида ижро этилган СССР халқларининг ашула, музика ва рақслари.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

институт факультетларини тамомлаб кетган ўртоқлар билан

ТРАДИЦИОН УЧРАШУВ КЕЧАЛАРИ

ЎТКАЗАДИ

(кеч соат 7 да)

8 майда — ер тузиш факультетида;

15 майда — гидромелиорация ишларини механизациялаш факультетида;

16 майда — қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетида;

22 майда — гидромелиорация факультетида.

Институтнинг адреси: Тошкент шаҳар, Учитель кўчаси, 39-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543 № В. 100. Р. 03790.